



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 18-iyul • №29 (4272)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Она Ўзбекистонимизнинг равнақиға улкан ҳисса қўшадиған, ҳар қайси оиланиң, эл-юртимизниң ризқ-рўзини, дастурхонини тўкин қиладиган, одамларимизниң эртанги кўнға бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришқор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатиниң натижаси бўлиш ғалла хирмониниң йилдан-йилға ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва гурур-ифтихор бағишлайди, десам, сиз, азизларниң, бутун халқимизниң фикрини ифода этган бўламан.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнатчилариниң пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан – мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 миң тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганини сизларни чин қалбимдан самимий муборақбод эттиш – мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёида бу мисли қўрилмаган ютқунинг моҳияти ва қадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни, эндиғина мустақилликка эришган биринчи кўнларда давлатимиз омборларида халқимиз боқиш учун фақатгина бир ҳафта-ўн кўнға етадиган ўн қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, ҳар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва ҳатарли замони бошимиздан кечирганимиз ва бугунги қўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларниң баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мана шундай ёруғ кўнларға етказгани учун Яратганимизга миңг бора шўкратлар айтишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу ўринда бу тарихий ютқунинг тўб моҳиятини очиб берадиган баъзи бир рақамларни эсга олишимиз табиийдир.

Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолиимизниң эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тонна ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, қилларгадир муҳтож бўлиб, ялиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик.

Бугунги кўнда эса биз 31 миллиондан ортиқ аҳолиимизни ўз донимиз, ўз беиминат номини билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айландик. Ўтган давр мобайнида ўлкамизда ғалла етиштиришниң умумий ҳажми 940 миң тоннадан 8 миллион тоннаға етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарыга 17 центнердан 55 центнерға ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрғимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам “Ким эдигу ким бўлдиқ?” деган ҳаётий ҳақиқатини чуқур маъносини тақрор ва тақрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизниң фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кўнда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичға қўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Мухтарам юртдошлар!

Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда, қишлоқ ҳўжалиғида амалға оширилаётган тўб ислоҳот ва ўзгаришлар, биринчи навбатда фермерлик ҳаракатиға кенг йўл очиб, унинг ривож учун барча шароитларни яратиб берганимиз, бу ҳаракатниң қишлоқда чиндан ҳам асосий кўч бўлиб майдонға чиқяётгани, фермерлар, таъбир ҳисаб бўлса, жамиятимизниң таянч устуниға айланиб, деҳқонларимиз ўзини ерниң, мулкниң ҳақиқий эгаси деб ҳис қиляётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани биз қўлга киритган улкан ютқунинг ҳақ қилувчи омили бўлганини таъкидлаш лозим.

Ҳаммамиз шунға гувоҳимиз – жорий мавсум ўтган йилларға нисбатан осон бўлмади. Табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорларимизниң иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Қиш фаслида совуқ ва аёзлик кўнлар меъёридан ортиқ бўлгани, март-апрель ойлариниң биринчи ярмида ҳароратниң одатдагидан кўра пасайиб кетгани, айрим ҳудудларда кучли жала ва дўл ёққани, сув тақчиллиги, шамол ва бўронларниң салбий оқибатлари, турли касаллик ва ҳашаротларға қарши курашишға тўғри келгани – буларниң барчаси деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туддирмаган қолмади.

Ана шундай мураккаб шароитда дала меҳ-

наткашлари аввало ишни тўғри ташкил этиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ота-боболаримизниң тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиклантиришға алоҳида эътибор қаратиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишға ва белгиланган марраларни эгаллашға муваффақ бўлгани ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мавсум давомида ғаллазорларға жами 12 миллион 700 миң тонна, ҳар гектар майдонға ўртача 11 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизниң ҳар тўп қўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилгани, ҳеч шўбҳасиз, сара дон етиштиришда муҳим роль ўйнади.

Сўнги йилларда ерларниң мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудудниң иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатға олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғимойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, фермер ҳўжаликларини молиявий ресурслар, авваламбор имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги зараркундаларига қарши курашиш бўйича шаклланган аниқ тизим асосида самарали олиб борилган ишлар бугунги муваффақиятға пўхта замин бўлганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоятлар, жумладан, нисбатан оғир иқлим шароитида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажаришға эришдилар. Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 центнер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерни ташкил этганини бу йилги мавсумниң энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Бу борада бошқаларға ўрнак ва намуна бўлган Тошлқ, Олтиариқ, Учқўприк, Вобкент, Поп, Учқўргон, Иштихон, Ѓиждуюн, Уйчи, Пешку, Нарпай, Пастдарғом, Пахтаобод, Қўргонтепа, Шахрисабз, Хатирчи, Олтинқўл, Дўстлик, Кармана, Мирзачўл, Яқкабоғ, Пахтакор, Навбахор, Юқоричирчиқ, Китоб, Уртачирчиқ, Чиноз, Бобўт, Сирдарё, Денов туманларида ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошганини таъкидлаш жоиз.

Юртимиздаги ўнлаб фермер ҳўжаликларида гектаридан 90-100 центнердан ҳосил олинган деҳқонларимизниң қандай улкан ишларға қодир эканини кўрсатади. Шулар қаторида биз бугун Каттақўрғон туманидаги “Ҳосил”, Фўрқат туманидаги “Ортиқали Ганиев”, Учқўприк туманидаги “Фаровон ҳаёт сари”, Олтиариқ туманидаги “Ҳайрулла Баҳром Бойматов”, Иштихон туманидаги “Асалчи Элдор”, Кува туманидаги “Олтин диёр”, Бувайда туманидаги “Ёқубжон ота”, “Ўзбекистон”, Навбахор туманидаги “Очилова Инобат”, Пахтаобод туманидаги “Абдулазиз”, Кармана туманидаги “Амир Ғолиб келажак”, “Савортепа равнақи”, Янгийўл туманидаги “Ситорахон”, Олтинқўл туманидаги “Гулгун диёр имкони”, Жондор туманидаги “Мурод Рустам”, Қўштепа туманидаги “Абдулҳофиз Халилов”, Ѓиждуюн туманидаги “Ғайз” каби фермер ҳўжаликлариниң номларини ҳурмат билан тўлга оламиз.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна тақрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда қўл, лекин оғир синовларда тоблганан, ўз фидойилиғи ва матонати, чидамлиғи ва олижаноблиғи билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларға тенг келадиган одамлар кам, десам, айна ҳақиқатини айтган бўламан.

Ана шундай инсонлар меҳнатини ҳар қанча қадрлаб, уларниң дарду ташвишлари ва эҳтиёжларига яқин бўлиб, уларни доимо рағбатлантириб, хурсанд қилиб, рози қилиб юрсак, очиқ айтаман, шахсан мен ўзимни беармон, бахтли одам деб ҳис қиламан, десам, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Шулар ҳақида гапирганда, бу йил етиштирилган мўл ғалла ҳосилиниң 5 миллион 117 миң тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолиимиз ихтиёрида қолдирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хонадонларимизға қўт-баракка, фаровонлик олиб қирадиган бундай қувончли ҳолатни барчамиз дала меҳнатчилариниң ўз ишидан манфаатдорлиғи ортиб, машаққатли меҳнати муносиб қадр топаётганиниң яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кўнда дунё миқёсида озиқ-овқат ҳавфсизлиғини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммоға айланиб бораётгани, маълумотларға кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Мана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда аграр соҳада амалға оширилаётган, чуқур ўйланган ислохотлар ҳамда сиз, ҳурматли деҳқон ва фермерларимизниң самарали меҳнати ҳисобидан биз халқимизни асосий озиқ-овқат, аввало, дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашға эришганимиз халқаро ҳамжамят томонидан кенг эътироф этилаётгани, айнқс эътиборлидир.

Бу ҳақиқатниң амалий ифодасини яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалға оширишниң муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда дунёниң қўллаб мамлакатлари, жумладан, энг ривожланган давлатлардан келган кўзға қўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларниң вакиллари жойларда бўлиб, сизларниң фаолиятини билан яқиндан танишиб билдирган фикрлари мисолида яққол кўриш мумкин. Конференция иштирокчилариниң фермер ҳўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларға давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини кенг ўрганишға тавсия этгани албатта ҳаммамизға катта мамнуният етказди.

Айна вақтда барчамиз яхши тушунамизки, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютқулар билан чекланиб, кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ ҳўжалиғи тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичға қўтариш бўйича ҳаётниң ўзи олдимизға янги-янги вазифалар қўймоқда. Шулар қаторида аграр соҳа самарадорлиғини янада ошириш, бугунги фермерларимиз бошлаган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер ҳўжаликларини замонавий асосда бошқаришға қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Кадрли ва муҳтарам дўстларим!

Бугунги шодиёна кўнда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимизни чин юракдан қўтлар эканимиз, улўғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийниң олам аҳлиниң тўқилиб, ҳам, ҳурсандчилиғи ҳам аввало ерга уруғ сочиб, бухонда ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонларниң меҳнатидандир, деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз, лафзи ҳалол бободеҳқонлар бунёд этган юксак ғалла хирмони – бу аввало тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилошларимизниң мустаҳкам пойдевори, десак, янглишмаган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ ҳўжалиғи мутахассисларини, бугунги улкан ҳосилға муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизни бағримға босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларға ўз номимдан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизға таъзим қиламан.

Эл-юртимизни, оила ва хонадонларимизни турли бало-қазолардан Яратганимизниң ўзи асрасин!

Ҳалол меҳнатиниң роҳатини кўринг, доимо нондек азиз бўлинг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



НОН

Ногаҳон отланса сафарға ўғлон.
Белиға онаси тугиб қўяр нон.
Мусофир юртлардан қайтгин, деб омон,
Ҳамроҳ бўлсин сенга шу нон, нон - ниймон.

Меҳмон деса ўзбек кўнгли бўлур чоғ,
Агар келса олис-яқиндан меҳмон,
Тансиқ неъмат бисёр, таом кўп, бироқ
Дастурхон ёзару аввал қўяр нон.

Қизға совчиликка борилса доим,
Ёшларға бахт тилаб синдирилар нон.

Умрингизни ширин этсин, Худойим,
Нондек азиз этсин шу нон, нон - ниймон.

Нон одам юзига ўхшайди, ажаб,
Шундай юзларингиз нондай иссиқ дер,
Ҳазрати Инсонни васф айлаб, алқаб,
Шоир илҳом билан ёзганида шеър...

Сўзни нега чўздим? Оллоҳға шукр,
Қалбларда қайнайди туйғулар, ҳислар...
Сизға боқсам, юзға ёғилади нур,
Эй, юзлари нондай иссиқ, азизлар!

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасиниң адабий-бадий наشري – «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» журнали газетамиз меҳмони

Мамлакатимиз маданий ҳаётида, миллий адабиётимиз тарғиботида адабий-бадий нашрларниң ўрни бекиёс. Бу нашрлар ўзиниң бой тарихига, халқимиз орасида, бир неча авлод китобхонлари ўртасида катта обрў-эътиборға эга. Ана шундай нашрлардан бири – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислиғидаги “Шарқ юлдузи” журналидир.



Бунёдкорлик туйғуси

ёхуа буюк эврилишлар завори

“Энг улўғ, энг азиз” танловиға



Меъморлик иштиёқи

Фарғона сафариниң навбатдаги кўни қизгин учрашувларға бой бўлди. Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими раҳбари Абборжон Исмоилов бунёдкорлик ишларини завқ-шавқ билан таништири бошлади. Юртбошимиз ташаббуси билан Фарғона шаҳриниң янги бош режасини ҳаётға таъбиқ этиш юзасидан амалға оширилаётган қўламдор ишлардан яна бири 20 миңг ўринли янги стадион қурилиши. Лойиҳа бўйича иншоотда 123 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари қўзда тутилган. Хозирғача 73,4 млрд. сўмлик қурилиш-ободончилик ишлари амалға оширилибди. Ўйин майдонига чим ётқизиб бўлиниб, ўриндиқлар ўрнатиш, пардоз ишлари олиб бориляпти. Худуд ободончилиғи бўйича тўққиз гектар майдон қўжамзор қилиниб, уч миңг тўп ноёб манзарали, 1,5 миңг тўп бутални қўчатлар экилибди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиш биринчи саҳифада.

Аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаси, уйингоҳга олиб борувчи қўшимча йўл қурилибди. 13,4 километрлик қишлоқ халқа йўлидан ташқари деҳқон бозори ҳам қайта барпо этилаётган экан. Шу ерда шаҳар ҳокими Илҳом Маматов билан учрашдик. "Янги қурилишлар Фарғонаги гўзал мегаполисга айлантирмоқда, — дейди у. — Бу лойиҳа қирқ-элик йиллик истиқбол олдидан қўрилгани билан аҳамиятлидир". Халқа йўлини шакллантириш жараёнида бузилган бинолар учун уй-жой эгаларига банклар томонидан 10,5 млрд. сўм маблағ тўланади. Кўпчилик ана шу бадал пули ҳисобидан уй-жойини қўради, кўп қаватли қилиб қуришмоқда. Йўл ва инфратузилма биноларини барпо этишда ёритиш, сув ва газ тармоқлари бир-бирига муносиб, кўкаламзор ҳудудлар эса гўзал бўлишга эътибор берилмоқда.

Шу кунги шаҳардаги мусиқали драма театри биносида "Юрт келаёти — 2014" танловининг виллоят босқичи бўлиб ўтган. Иккинчи даражадаги архитектура ва дизайн йўналиши бўйича тақдим этган ижодий ишлар билан таъиниб, фарғоналик истеъодларнинг меъморлиққа, айниқса, иштиёқи зўр эканидан мамнун бўлдик. ФарДУ қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Ҳумоюн Азимов намунавий маҳалла реконструкциясига доир лойиҳа-макетларини компютер орқали намойиш этаётди. Беш юз ўринли ёшлар спорт мажмуаси тарҳини яратган Қирғули санат-қурилиш касб-хунара коллежи талабаси Азамат Орипов, беш хонали замонавий уй-жой макетини ишлаган Қўқон нефть ва газ коллежи талабаси Илҳом Турдалиев, янги қиёфадаги турар жой, қишлоқ клуби, уй-жой ховлиси андозасини тайёрлаган Фарғона санъат коллежи талабаси Икбол Гафуров, ҳар жиҳатдан кўзни қувонтирадиган замонавий турар жой нуқсанини яратган қўқонлик ўқувчи Абулхалил Расуловнинг орзу-интилоплари ифодаси бўлган лойиҳаларни кўздан кечириб, ёш муаллифлар қалбида меъморий тафаккур, ана юртни янада обод ва файзли қўриш иштиёқи юксак эканидан ифтихор қилдик. Бу иштиёқ замирида мустақиллик йилларида юртимизда бунёдкорлик жабҳаси кенг қулоч ёйиб, обод шаҳар-қишлоқлар қурилаётгани ва бу даъваткор туйғу фарзандларимиз қалбида акс-садо бериб, уларни янги-янги гўзалликлар яратишга илҳомлантираётган бўлса, не ажаб, деб ўйладик.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 23 йили мобайнида эришилган миллий тараққиёт кўламининг яна бир муҳим жиҳати бор. Эндликда шаҳар ва қишлоқлар меъморий жиҳатдан уйғун ривожланиб, қишлоқларда ҳам шаҳарлардагидек маданий-маиший шароитлар вужудга келмоқда. 2014 йилда биргина Фарғона виллоятда қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий инфратузилмалар қуриш режасига биноан ўн уч тумандаги 23 массидан 930 га яқин намунавий лойиҳадаги уйлар қурилаётгани эътиборни тортади. Фарғона туманининг Чекшўра қишлоқ фуқаролар йилғини ҳудудидagi "Обод турмуш" массиви шундай замонавий манзиллардан бири. Ҳозир 181 оила шу манзилдаги янги уйларга тўлиқ қўчиб ўтибди, уларнинг 112 таси

ёш оилалар. Янги қишлоқ равон йўл ва коммуникация тармоқларидан ташқари минимаркет, минибанк, гўзаллик маркази, бозор, хизмат кўрсатиш тармоқлари, музқаймоқ ва гўшт-сут дўконлари билан ҳам таъминланган. Одамлар бундай гамжўрликни илгари тасаввур ҳам қилолмасдилар. Кўнгишлар яйраб, Ватан обод бўлгани, инсон муқаррам зот сифатида ўз олий мақомига эришгани бундан ортиқ бўлмас.

Шу уйлар билан маъмурчилик яратаятган, фидойи меҳнатини Ватан тараққиётига камарбаста этаётган фермерлар ҳузурига йўл олдик. Виллоятда кўп тармоқли ҳўжалик юритиш тажрибасини пухта эгаллаб, даромади ҳисобидан комбайн ва иш унуми юқори техника сотиб олаётган, балиқчиликни ривожлантириб, мева-сабзавот сақланадиган омборлару маҳалла гузарлари, аъзоларига шиная уй-жой қуриб бераётган фермерлар сафи кенгайиб бораётган экан. Олтириқ туманидаги "Нурли обод" фермер ҳўжалиги эса зироатчилик илминини санъат даражасига кўтариб, эл-юрт эътиборига тушибди.

Олтириқлик "Фармонбиби"

Таниқли шоира Энахон Сиддиқова ҳамроҳлигида Катта Фарғона канали ёқалаб ўтган йўлдан фермер иш юритаётган далаларга бордик. "Эл-юрт хўрмати" ордени соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими Лолахон Муродова билан ҳали учрашмай туриб, унинг далалари манзарасини кўргандаёқ асл деҳқоннинг иш услуби намоян бўла бошлади. Эгатлар шу қадар равон олинган, ундаги баравж гўзалар шу қадар текис кўкарганки, гўё чигит оддий тракторда эмас, фазогирларнинг мукаммал лазер қурилмасида экилган, деб ўйлайсиз. Битта ёки иккита эмас, Лолахон фермерлик қилаётган барча далалар қиёфаси мана шундай кўрган кўзни қувонтирадиган даражада гўзал ва саришта экан.

Ораста шийпон олдидаги катта йўлдан Фарғона Тошкентга қатновчи машиналар зув-зув ўтиб турибди. Кекса тут соҳидаги сўрига кўрпачалар солинган. Ўзбек барибир ўзбек-да, шийпон олдидаги бир парча ер ҳам деҳқоннинг ўз уйига менгзатиб, экин-тикин, гулу райхонлар билан обод қилинган. Саид Аҳмад аканинг Фармонбисидай бурро-бурро сўзлаб, гапини дангал айтадиган Лолахоннинг кетмону трактор чамбарига қотган бақувват қўллари Барчин келбат мард аёлларни эсга солади. Дарвоқе Лолахонни бежиз Фармонбига ўхшатмадик. "Келинлар кўзгалони" қаҳрамонининг етти келини бўлса, Лолахон раҳбарлик қилаётган ҳўжалигининг юздан ортиқ келинлари бор экан. Лекин уларнинг бирутаси гапини икки қилмайди. Ҳамиша "Лаббай, онахон", деб туришаркан. Мана, шунинг учун ҳам фермер ҳўжалиги ишида ҳамиша барака бор. Кўни кеча икки юз гектар майдондан 40-45 центнердан галла олиб, шартнома режасидан ҳам ошириб давлатга 705 тонна бугдой топширибди. Қолган бугдой эса фермер ҳўжалиги аъзолари эҳтиёжи учун тақсимлаб бериларкан.

— Далаларимиз Марказий Фарғона чўллари бошланишидаги қўмлоқ ерлардан иборат, шу сабабли экинни кўп сугоришга тўғри келади, — дейди Лолахон Муродова. — Обиҳаётни электр насослар ёрдамида тортиб чиқарамиз. Фермернинг тўрт юз гектар майдонда экин-

тикин қиладиган йирик ҳўжаликка раҳбар бўлиб келаётгани ҳам ўз тарихига эга. Раҳматли падари бузруквори, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Неъматжон Муродов муҳандис, техниканинг "пири" бўлган экан. Шу боис Лолахон мактабда ўқиган кезлардаёқ трактор бошқариб, машинада пахта териб, аёлларнинг оғир меҳнатини енгиллатиш учун майдонга тушганлар сафида бўлган. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб бригада ва бўлим бошлиғи, истиқлолнинг илк даврида раис бўлиб элгиди танилган. Фидойиларча меҳнати эвазига неча бор "Дамас"у "Нексия" машиналарини, унвонлар билан мукофотланган Лолахоннинг пешқадам фермерлар сафида бўлмаслиги мумкинми? Асло!

Сўхбатимиз чоғи у бир донга уруғдан бир қучоқ галлага айланган сербошўқ бугдой туپини авайлаб кўтариб келди. Ҳамроҳларимиз унинг бо-



Бунёдкорлик туйғуси ёҳуа буюк эвриқлашлар заввора

Иккинчи мақола

шоғу бугдойларини санай бошладилар. Донлар уч мингу олтишга чиқди. Халқимизнинг бир донинг минг бўлсин, деган ҳикмати дуоси бежиз эмас экан. Лолахон она тупроққа меҳр қўйиб, заҳмат чекиб дон-донга бугдой уруғларидан юрт бойлиғи, галла мўл-қўллигини яратаятган фидойи зироатчилар етакчиси.

— Бундай сербошўқ галла етиштиришнинг қандай сирини бора?

— Биз галлани ҳар йили 1 сентябрда — Мустақиллик байрамидан келибўқ экишга қиришамиз ва 15 октябрда ишни якунлаймиз, — дейди фермер. — Шунгача дала тахт қилиб қўйилади. Вақтида сувини, озгини берсак бугдой найчалаб, туплаб ётавереди, сербарака бўлади... Деҳқончиликда яна бир сир бор. Мана, қўриб турганингиздек, еримиз топ-тоза, биронта бегона ўт йўқ, Баъзилар оддий аҳриқни йўқотолмай овора. Ҳолбуки, асл деҳқонлар тажрибасида қўрилгандек, ерга аввал далафрон гербициди сочиб, сўнг 45 сантиметр чуқурликда ағдариб, тўқсон кун давомида оқар сувдан тийилса, аҳриқ бутунлай қўриб кетди. Ўтган йили 27 гектар даламизни шу усулда тозаладик.

— Яна қандай янгиликлар ҳақида ўйлаяйсиз? — деймиз.

— Чорвани қўлайтириб тракторлар таъмирланадиган устакхона очмоқчиман. Лекин улардан ҳам аввал, агар имкон топсам, даламнинг ўзида катта тегиримон билан нонвойхона қурсам, дейман. Аъзоларимнинг кўпчилиги қиз-жувоғлар. Улар ишдан сўнг уйларига бориб тандир ёқиш ташвишидан қутулса, рўзғори учун нонни шу ердан олиб кетса қандай яхши бўларди...

Галласи ўрилиб турли сабзавотлар экишга тараддуд қўрилайётган далаларда фермер билан хайрлашарканмиз, асл бободоҳқон фарзанди ҳамиша ерини ва элини ўйлашини ана бир бор қўнглимиздан ўтказдик. Эл-юрт гамида

расида ўтириб ҳаётнинг сир-асрорларини мушоҳада қилганда, дастурхонимизни тўлдирган турли ноз-неъматларни яратиш замирида қанчалик оғир меҳнат ёганини англаймиз. Сариосиё туман марказида янги китоб дўкони очилгани халқимиз маънавиятини юксалтириш учун қилинган хайрли ишлардан биридир. Қишлоқ одамларининг бир-бирига бўлган чексиз меҳрини ёши тўқсонни қоралаб қолган Мухтор бобонинг тез-тез тенгқурлари ҳолидан хабар олиб туришидан сездим. Одамларга фақат эзгулик илиниб яшаётган ана шундай нуруний

отaxonларимиз сўхбатиди бўлсангиз, қўнглингиз яйрайди.

— Эҳ, қани ёшлик қайтиб келсаю, ҳаммасини бошдан бошласам, — дейди оқсоқол армон билан. — Биз бир бурда онгга зор замонларда яшадик. Бугун ҳамма нарсаси тўқин-сочин, ошинг ошвойдаю, нонинг нонвойда...

Давраларни гуриллатиб шеър ўқийдиган устоз муаллимлар Иброҳим Сафаров билан Аҳтамқул Сафаровнинг бахти-иқболини кўрган-да шодлигини яширолмай қолади. Муаллим ёши саксонни қоралаб қолган бўлса ҳам қўнглини китоб ва газеталардан узмайди. Сурхон сафарни мен учун ҳар гал ҳисобсиз таассуротларга бой бўлади. "Сариосиё" газетаси бош муҳаррири Абдурайим Раҳмонов билан меҳнат фахрийси Эрон бобо Жумаевдан хабар олишга бордик. "Элнинг назарига тушиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эл назарига тушиш учун қилган эзгу ишларинг ўз ҳосилини бермоғи керак", дейди отахон. Биз оқсоқолдан яхшилик бе-самар кетмаслиғи сирларини ўрганамиз.

Сариосиёда кенган адабиёт қурилиши шеъринг илхосмандларининг юрагини жунбушга келтиради. Ҳали мактабга боришга улгурмаган беш ёшли Жаҳонгир жанан қирқ икки та шеърни ёддан айтиб, кўпчилигини лол қол-

яшаётганларни эса давлати ва миллати эъзозлайди.

Олтириқдан дала йўлларини айланиб, Андижон — Тошкент трассасига чиқиб олдик. А-373 рақами билан белгиланган ана шу йўлни қайта қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар, хусусан, унинг Қўқон шахрига қирмасдан тўғри Сирдарё кўпригига чиқадиган қисми фойдаланишга топширилгани ҳақида кўп эшитган бўлсам-да ҳали ўтиб кўрмагандим. Шу жойдаги қорраҳадан Қўқон тарафга бир оз юриб, ўнг томон бурилганча манзилга равона бўлдик. Чиндан ҳам янги йўл ўзиям "Йўлмисан — йўл", дейдиган даражада аъло бўлибди. Хайдовчига ҳар замонда "хай-хай" деб турмасангиз "Нексия"сини мингга қўйиб самолётдек учириб кетадиган шашти бор. Сизни йўлнинг равонлиғи, кенг-мўллиғи, белгилар аниқ ва қўримли ёзилгани бир мамнун этса, унинг икки

тарафиди кета-кетгунча галласи ўриб олинган далалар чел олиб сугорилиб, шопи қўчталари қадалаётгани икки бор мамнун этади. Бу далаларнинг миришқорига "балли" дейсиз: бугдойга тўлган омборлар уч-тўрт ой ўтиб паловбоб гуручларга ҳам тўлиб-тошади. Элимизнинг ризқ-рўзи, насибаси ҳамиша бутун бўлганига не етсин!

Довонга

ўрлаган темир йўл

Сирдарё кўпригидан ўтишимиз билан Ангрен — Поп темир йўли қурилишининг илк манзараларига кўзимиз туша бошлади. Бу ўринда Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги мажлисида тилига олиб ўтган ушбу маълумотлар айниқса эътиборлидир: "2013 йилда хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида мамлакатимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўладиган яна бир йирик лойиҳани амалга оширишни бошладик. Бу ўринда сўз Ангрен-Поп йўналишида электрлаштирилган янги темир йўли ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришни кўзда тутадиган лойиҳа ҳақида бормоқда. Бу тоннель Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси виллоятлари билан ишонгли боғлаш, мамлакатимиз ҳудудига ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш бўйича ишларни якунига етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади".

Дарҳақиқат, йўл четидаги лавҳалардан бири хитойча йероглифлар билан ёзилганидан билдикки, тоғда ана шу темир йўл тоннелини барпо этаётган хитойлик ҳамкорларнинг қўналмаси ҳам шу атрофда экан. Яқинда Пекинда бўлиб ўтган Буюк Ипақ йўли бўлиб икτισодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига бағишланган халқаро форум-

да бу борада Ўзбекистоннинг тутган ўрнига алоҳида урғу берилгани ёдимизга тушди. Тадбирда сўзга чиққан Хитой транспорт вазири Ўринбосари Вэн Мэньюнь қайд этганидек, давлатларимиз ўртасидаги ана шу энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим стратегик йўналишларидан ҳисобланади. Юксак тоғлардан ўтадиган 122,7 километрлик "Ангрен — Поп" темир йўли лойиҳасини ўз ичига олган мазкур қурилиш "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси ўртасида имзоланган умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома асосида олиб бориламоқда.

Бугун Чотқол тоғлари ёнбағридан машина да ўтган ҳар бир киши жадаллик билан бошланган бу улкан қурилиш манзараларига гувоҳ бўлади. Водий томондан келаётиб, ҳали довозга чиқмасданок ўнг тарафда баланд қилиб тикланган темир йўл ўзани ва бу ерда ишлаётган қудратли техникалар эътиборни тортади. Айни чоғда мавжуд автомобил йўлининг ўзи ҳам аввалгидан кенгайтирилиб, янгидан бетон ўзанга солинаётган экан. Мазкур Тошкент — Андижон, шунингдек, Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнон автомобиль йўлларининг 450 километр масофадаги қисмларини реконструкциялаш учун ҳукуматимиз томонидан Осиё Тараққиёт банкининг 1,1 млрд. маблағи йўналтирилган. Буюк Ипақ йўлидаги ана шу янги автомагистраллар Марказий Осиё минтақасини Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Европа мамлакатлари билан энг яқин йўл орқали боғлайди. Буюк Ипақ йўлидаги давлатларда қарийб уч миллиард аҳоли яшашини ҳисобга олсак, минтақа мамлакатлари бозорига чиқиш учун бундай транспорт коридорлари яратиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи эканлиги ойдинлашади.

Шу уйлар билан довоздан ошмишимиз билан кўз олдимизда янада гўзал манзара намоян бўлди. Бир томонда Чотқол Чимён, яна бир томонда Қурама тоғларининг оппоқ қўққилари узра парку бўлутлар сузиб юрар, ён бағирлардаги мусаффо бўлоқлар ҳаёт бағишлаган асрий арчазорлар, қўмқўқ ўтлоқлар афсонавий гўзаллик яратган эди. Довон беллидаги чашма ёнида бир фурсат тўхтаб, чанқоғини қондираётган, эсдалик учун суратга тушаётган сайёҳлару ўш болаларнинг қувончи чексиз, ана юртининг ёшдан мавзобларини зийрат этишдан қўнғиллари нурафшон эди.

Қуйда — Тошкент ва Наманган виллоятлари туташган ҳудудда тоғ қоялари қулатилиб, янги темир йўлга ўзан солинаётгани шудқод қўриниб турибди. Тағна-тоғди қишлоғига яқинлашганда эса Охангарон дарёси бўйлаб ўтган темир йўл ўзанига гўллат излар ётқи-зилаб, электр тармоқи устунлари ўрнатилган жойларга ҳам кўзимиз тушди. Нақадар гўзал манзара! Насиб этса яна икки йилдан сўнг бу манзилдан электровозлар тортган поездлар туну кун тўқтовсиз ўтадиган бўлади. "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ахборот хизмат раҳбари Мирзо Муратовнинг маълум қилишча, ҳар икки томондан қуриб борилаётган ишшот-да ҳозиргача 65 километр масофада темир йўл ўзани қўрилиб, унинг 55 километрга гўллат излар ётқи-зилибди. Туну кун олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига 560 га яқин замонавий техника ва икки ярим мингта яқин қурувчи жалб этилган.

Фарғона водийсини пойтахтга шимол ва жанубдаги виллоятлар билан боғловчи бу йўл мамлакатнинг ягона темир йўл тизимини вужудга келтиради. Тасаввурга эрк бериб айтиш мумкинки, яқин истиқболда Европани Хитой ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғловчи, Лондондан Пекингга ва ундан Аляска оша Америкага қатновчи қитъалараро поездлар ҳам шу йўл орқали узоқ масофаларни яқин қилади. Тинчлик ва омонлик бўлса, инсоният ўз тараққиётининг олий манзилларига ҳамкорлигу ҳамдўстлик боис ёрғу юз билан эришгай. Юртимиз сарҳадларидан ўтган Буюк Ипақ йўли шу кенг жаҳонни Алпомишнинг белбоғидай ўраб олишига шубҳа йўқ.

Ота юртни обод қилиб, шавкатли боболарнинг руҳларини шод этган авлодлар замини замон узра азиз ва муқаррам бўлғай!

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Тошкент — Фарғона — Тошкент.

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Аксарият ёнғинларнинг келиб чиқишига ёш болаларни уйда назоратсиз ёлғиз қолдириш, газ ёки электр мосламаларидан нотўғри фойдаланиш сабаб бўлади. Шу оддий бўлиб қўрилган ҳоллардаги лоқайдлик ва эътиборсизлик натижасида турли қўнғилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. Шунинг учун уйимиз ва яқинларимиз ҳаёти ўз қўлимизда эканини унутмаслигимиз керак.

Тошкент метрополитени ёнғин хавфсизлиғи бўлини маси ҳодимлари томонидан йил бошидан буюн метро-

политен объектлари, бекатлари ва электр деполарида хизматчи ҳодимлар билан учрашувлар, ёнғин хавфсизлиғи мавзусида

йўриқнома ва сўхбатлар ташкил қилинди. Метрополитен харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиғи бўлини маси ҳодимлари ва қўнғилли ёнғин ўчириш дружиналари билан ёнғин ўчириш амалий тактик машғулотлари ўтказилмоқда. Метрополитен бекатлари ва электр деполарининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилиб, кам-чиликларни бартараф этиш учун ёзма кўрсатмалар тақдим этилмоқда. Шундай қўнғилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барчани доимо ҳушёрликка, огоҳликка қақирамиз ва бу борада қуйдаги талабларга риоя қилишини тизини сўраймиз:

— хоналарда носоз электр мосламаларидан фойдаланмаслик;
— электр чиқокларини ёниқ ҳолда носозатсиз қолдирмаслик;
— белгиланмаган жойларда тамаки чекмаслик;
— хонадан чиқишда электр иситиш усқуналарини назоратсиз қолдирмаслик;
— қисқа туташув ёки тутун исини сезганда дарҳол ёнғин хавфсизлиғи хизмати (101) хабар беришини тизини сўраймиз.

М.ҲАЙДАРОВ
Тошкент метрополитени қўриқлаш хизмати ёнғин хавфсизлиғи бўлини маси инспектори

Ватан учун яшайлик!



ТУПРОҒИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЛ

Болаликда бобомнинг ниҳол ўтказаятган-да қайта-қайта тақорлайдиган пандлари ҳануз ёдимда. У киши ҳар гал қўнати эрга қадашдан олдин бир сиким топганин, унга қилиб, «Бу тупроқмас нақд олтин, қафи ниҳол-ку ниҳол, хатто таёқни суқсанг ҳам кўкаради», дея таърифларди. Бу сўзининг замирида қанчалар маъно борлигини бугун фаҳмлаётгандек бўламан. Бобом экан да-рахтларнинг тарвақайлаб боши осмонни фалакларга етиб қолганидан сездимки, у киши ўзи туғилиб ўсган тупроғини бежиз бу қадар ардоқламаган экан. Киши ерга қанча кўп меҳр берса ундан шунча кўп саховат қўришини англадим. Бепоен дашту далалар қўйнида кезиб юрган бободоҳқонларнинг хатти-ҳаракатидан завқландим. Болаликдан бирга ўсиб-улғайган синфдошим Бахтиёр фермер юрагимга қўл солиб, дейди:

— Элик ёшми қаршиладим, умримнинг ўттиз йили далада ўтди. Экинзорларимни тарх этолмадим. Бизнинг ҳаётимизни ҳам шеърга солсангиз бўлмайдики?

Бахтиёр фермернинг қуйини айтган сўзларидан ўзимнинг ҳам далаларда кезиб юрган дамларим ёдга тушди. Далалар бағридан таралаётган сирли оханглардан сархуш бўламан. Қишлоқдошларимнинг бегубор нигоҳларидан фахр-ифтихор туйғусини хис этаман.

Сариосиё Сурхон воҳасининг пуर्वикор тоғлари билан туташиб кетган энг сўлим


маскан. У истиқлол шарофати билан янада гуллаб-яшнади. Ҳар қадамда сизни хайратлантирувчи бунёдкорлик манзараларига қўзингиз тушади. Туман марказида уч-тўрт йил муқаддам барпо этилган Ёшлар бонига болаликнинг бегубор гаштини сураётган қувноқ ўғил-қизларимизнинг завқли оламиндан қўнглимиз тоғдай қўрилади. Фарзандларимиз учун кўрсатилаятган беҳисоб гамжўрликлар тухови бўлар эканман, болалигим ёдимга тушади. Онам укамнинг бешигини далага кўтариб борарди. Гарчи бизнинг бўйимиз гўзалардан паст бўлса-да, онамизнинг олдида тушиб олиб пахта терардик. Бугун эса фарзандларимиз учун яратилаётган шарт-шароитларни сўз билан ифодалаш қийин. Бу йил сариосиёлик галлакор фермерлар учун омадли бўлди. 3545 гектардаги галладан юқори ҳосил олинди. Давлатга галла сотиш шартномавий режаси 117 фоизга бажарилди. Абдухалим Холиқов, Шермухаммад Ашуров, Ойбек Норқулов раҳбарлик қилаётган илғор фермер ҳўжаликлари режани ошириб бажаргани учун 30-40 тоннадан бугдой олишга муваффақ бўлдилар.

Сариосиёлик деҳқонларнинг айтишича, бу йил баҳорда намгарчилик кўп бўлгани учун пахта майдонларида тўлиқ қўчат олинибди.

Тупроғини эъзозлаган элнинг хирмони бутун бўлади. Кекса тажрибали деҳқонлар дав-

ЭНГ ОЛИЙ БАХТИМ МЕНИНГ, ОНАЖОНИМ ШЕЪРИЯТ

Шоди ОТАМУРОД



СЕВГИ

Зоҳирда учраган аломатларим,
Ботинда қайғумдир, ҳам омадларим.
Табассум айласа сарқоматларим,
Ишққа ишорадир, севгидан белги.

Болалик пайтларим эркин куш эдим,
Болалик ҳам ўтди, бу бир туш, дедим.
Сени ўқисин деб ёзган бу шеърим,
Ишққа ишорадир, севгидан белги.

Диққатим тортади майсада шабнам,
Бедорлик қўлимга тутқазган қалам.
Хавасларим, бедорлигим ҳам
Ишққа ишорадир, севгидан белги.

Сутта чайилгандек икки кабутар,
Шивирлар, ўртада қандай гап ўтар.
Мактубларин ёзиб кўкка ўқитар...
Ишққа ишора бу, севгидан белги.

Ишқ қилич сермаса тонг билан шомда,
Кўёнинг ҳолин кўр қоталаш шомда.
Юлдузлар, қўёшлар — чексиз маржонлар,
Ишққа ишорадир, севгидан белги...

ЯХШИ ҚИЗ

У яхши қиз эди чинакам,
Унутмасан эрка чоғларни.
“Севаман”ни айтган бўлсам ҳам,
Яна айтишимни хоҳларди.

Кулган бўлса қулгандир мендан,
Балки унга шу бўлган хузу.
Хафа қилиб қўймадимми, деб
Сўрамаган ҳеч қачон узр.

Эркаланиб кетарди бирам,
Қўлларимга қўлин боғларди.
Мен ёнига қайтган бўлсам ҳам,
Яна қайтишимни хоҳларди.

Овози йўқ занжирми севги,
Боғланганим ростмиди унга.
Кийик каби зийрак ва сезир,
Бор гўзаллик хосмиди унга.

Муҳаббатим бўлган эмас кам,
Бахш этгандим боғу тоғларни.
Мен-ку унга етган бўлсам ҳам,
Яна етишимни хоҳларди.

Эслатарми севги байроғин,
Хайр демоқ-чун қўтарилган қўл.
Хуш ёқарми қушлар сайроғи,
Ҳижрон томон бурилганда йўл.

Эслаганда қўларимда нам,
Билмам нечун — ўзин оқларди.
Мен ёнидан кетган бўлсам ҳам,
Келиб-кейтишимни хоҳларди...

СЎНГСЎЗ

Айланиб
Айланиб
Келади
Дунё,

Айланиб
Дилимни
Тилади
Дунё.

Тилимда
Сўнгги сўз
Айлангунича,
Айланиб
Айланиб
Бўлади
Дунё!

ҲАЗИЛ

Қошиқ эди “қ” кетиб,
Ошиқ бўлди бир зумда.
Қуфат эди “к” кетиб,
Улфат бўлди бир зумда.
Тайёр эди “т” кетиб,
Айёр бўлди бир зумда.

Қорини ўйлаб ҳар сафар,
Қошиққа ошиқ бўлди.
Аммо қорин ёрилиб,
Қулфатга улфат бўлди.
Барибир, барибир,
Тайёрга айёр бўлди.

Шоди ОТАМУРОД 1978 йил Жиззах вилоятида туғилган. ЎЗМУнинг журналистика факултетини тамомлаган. “Биринчи китобим” руқнида “Соғинч ранглари” шеърий тўплами чоп этилган. Ҳозирда “Туркистон” газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири.

Дилрабо НОРҚУЛОВА



УЙҒОНСИН

Майсалар уйғонди, кўз очди гуллар,
Уйғонди суманбар, сарву сунбуллар.
Юраклар уйғонсин, диллар кўнгиллар,

Эртақларда қолган алоқлар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

Гул термоқ бошқаю юлмоқ бошқадир,
Ғофиллар бошқаю гумроҳ бошқадир,
Уйғоқлар ўзгадир, огоҳ бошқадир,
Юракка ҳақ деган зарблар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

Маккор дунёдир бу, доғули дунё,
Ярми асал, ярми оғули дунё,
Ярми сиртлон, ярми оҳули дунё,
Меҳру шафқат деган тафтилар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

Даҳоларинг уйғоқ, Темуринг уйғоқ,
Жайхун ортларида Бобуринг уйғоқ,
Иймонинг уйғоқдир, гуруринг байроқ,
Энди келаётган сафлар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

СИЗ ЯХШИ ОДАМСИЗ

Сиз яхши одамсиз.
Шундай дейману,
Кўнглингизга пича кин кириб қолган.
Ўзим эскичага ишонмайману,
Ичингизга қора жин кириб олган.

Шундан қўзларингиз салгина хира,
Шундан яхшилиқни кўра олмайсиз.
Тоқат қилолмайсиз қувончга сира,
Хушхабар бор жойда тура олмайсиз.

Шубҳада қарайман бўй-бастингизга
Ичингизга баттол киргани чиндек.
Жиндек инсоф берса бўлмасми сизга,
Инсонийлик берса бўлмасми жиндек.

ЁШЛИК ҚЎШИҒИ

Ўзбегимнинг фарзандларимиз,
Садо берсин қўшиқлар мангу:
Бахт мухридек кетмасин ҳаргиз,
Гўдақларнинг лабидан кулгу.

Қўлни қўлга берайлик бутун,
Дўстлик, меҳр — оқибат учун.

Бу диёрнинг боғларига боқ —
Сахий қўлнинг тимсолидир бу.
Бу диёрнинг тоғларига боқ —
Мағрур элнинг тимсолидир бу!

Юлдуз бўлиб ёнган бир замон,
Юлдузлардан боқар устозлар.
Оташнафас ила бегумон
Юракка ўт ёқар устозлар.

Қўлни қўлга берайлик бутун,
Дўстлик, меҳр — оқибат учун.

Абад давом этсин силсила:
Мерос чолгу тушмасин қўлдан.
Кўнгил бўлсин ҳаваста тўла,
“Муножат”лар кетмасин тилдан.

Қўлни қўлга берайлик бутун,
Дўстлик, меҳр — оқибат учун.

Дилрабо НОРҚУЛОВА 1993 йил Сурхондарё вилоятида туғилган. 2011 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Қўёшга яқин маскан” номли шеърий тўплами нашр этилган. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибдори (2012 йил). ЎЗМУ талабаси.

Бобур ЭЛМУРОД



УЛҒАЙИШ

Ҳали гўдак турмуши,
Ҳислардан тошмаган қон.

Акасининг калиши,
Акаси кийган чопон.

Болакай ерлик эмас,
Тушиб қолган самодан.
Уни эрмаклайди қиз,
Ўпич йўллаб ҳаводан.

Боланинг вуждини,
Туйғуларни парчалар.
Узун енгилар остида
Қалтирайдилар панжалар.

Қиз кетади қайғадир,
Уловин ўт олдириб.
Бола кетар қўчада,
Болалигин қолдириб.

ШОИР ДЕГАН ДАРАХТ

Дарахт экин — ёлғизлик
Тегиб кетди жонингга.
Афсус, у қуриб кетди,
Қололмади ёнингга.
Ит асрадинг, ҳартугул,
Сендан нари кетмади.
Ёнингга қолар эди,
Аммо умри етмади.
Кўп ўйладинг ҳовлигизда,
Юрғувчилар ҳақида.
Ёлғизлигини баҳам,
Кўргувчилар ҳақида.
Вақт ўтиб мен келдим,
Сен яна йўл қарадинг.
Ахир Худодан ўзинг,
Битта дарахт сўрадинг.

Кейин дод солдинг аччиқ,
Юракни босадиган.
Дединг «Бу қандай дарахт
Тошкентда ўсадиган».

ЁШ ЖАНГЧИ СУРАТИ

Бобожон, ўлим нима?
Кўзга мангу юмшамми?
Тириклик дегани бу —
Нафас олиб туришим?
Бобомдан чиқмади сўз,
Ўжар тилим сўради.
Деворда қулиб турар,
Ёш жангчининг сурати.
Ўзи ким узоқ яшар,
Айтинг, охири марта...

— Қўй болам, унинг ёши
Бизлардан анча катта.

Нега бобом гапирмас,
Балки етмас журъати...
Деворда қулиб турар
Ёш жангчининг сурати.

«ТАНГА»

Ойини-да танга қилдик,
Шарт боғлаган замони.
Менга қоронғу тараф,
Сенга ёруғ томони.

Шундай бўлишавердик,
Ҳазил қилибми бошда.
Кўнглимиз бир эдию,
Кўргилигимиз бошқа.

Баҳорни кутиб узоқ,
Етиб қолибми кузга.
Учиб кетардик, аммо
Қанот етмади бизга.

Охир Ер танга бўлди,
Бўйинг етган замони.
Сенга қай тараф тушди,
Менга сен йўқ томони.

Бобур ЭЛМУРОДОВ 1989 йил Қашқадарё вилоятида туғилган. ЎЗМУнинг журналистика факултетини тамомлаган. Ҳозирда “Ўзбекистон овози” газетасида иш олиб бормоқда.

Мақсуда ЖЎРАҚУЛОВА



ВАТАН ҲИССИ

Шеър ўқидим юрагим ёниб,
Олов сўзлар кўчди тилимга.
Олқишларда ортди ишончим,
Мен Ватанга кераклигимга.

Тиним билмай елдим, югурдим,
Орзуларга боғладим қанот.
Ҳар чўққига ўзимни урдим,
Ишонтирди мақсадга ҳаёт.

Олислардан сим қокди онам:
“Болам жуда бўлдинг тошбағир”.
“Бироз сабр қилинг, онажон,
Мен Ватанга керакман ахир”.

Ортга қараш оқизининг иши,
Олдаги йўл захматли бўлди.
Қўлим чўзсам етмас томондан,
Турналарнинг овози келди.

Тушларимга кирди қишлоғим,
Билдим меҳри бўлаклигини.
Қизгалдоқлар шивирлаб айтди,
Ватан менга кераклигини.

МОҲИЯТ

Учиб тушди яна бир юлдуз,
Одил вақтнинг чигиринидан.
Еру осмон ларзага келди,
У юлдузнинг чинқиринидан.

Даҳшат ичра ўртанди зулмат,
Титраб кетди тераклар бирдан.
Чигирткалар қилишиб ҳасрат,
У юлдузни излади ердан.

О, кўрқувдан қовжираб гуллар,
Капалаклар жонидан тўйди.
Сахар, бир қиз туниги оқарган
Юзларига сув сеип қўйди.

Ва ниҳоят тинчиди бари,
(Менга шундай туйилди ё).
Қизик, бир кун мен учиб кетсам,
Юзингга ким сув сепар дунё?!

Мақсуда ЖЎРАҚУЛОВА
1990 йил Навоий вилоятида
туғилган. Сирдарё вилояти Ховос
транспорт касб ҳунар
коллежсининг Ҳўжалик ҳуқуқий
фаолияти йўналишини
тамомлаган. Айни вақтда
“Хатирчи ҳаёти” газетасида
фаолият юритмоқда.

Мансур ҒАНИЕВ



ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

Она, қорлар тушиб қолди
Йўлимизга,
Соғинчларнинг каптарлари
Кўнглимизда.

Оқ ёмғирлар ёғиб ўтди
Тушларимдан.
Қайноқ селлар келаётди
Ичларимдан...

Яна йўллар хотирамга
Чизилар дўн,

Қари тутлар қатор-қатор
Тизилар сўнг.

Сўнгра бари эсланади
Хаёл ичра —
Хотиралар юрагимга
Бахт ичирар.

ИҚРОР

Ёлгон. Ёлгон. Ёлгон.
Йиғлаганим ёлгон —
Кўзимга, юзимга
Ёмғирлар томган.

Хаёл. Хаёл. Хаёл.
У мангу бир хаёл —
Кимнингдир умрини
Безаган Аёл.

Мансур ҒАНИЕВ 1988 йилда
Сурхондарё вилоятида туғилган.
Термиз давлат университетининг
Ўзбек филологиясида тахсил олган.
Айни вақтда “Шарқ зиёси”
газетасида мухбир бўлиб фаолият
юртмоқда.

Мевагул ТУРСУНБОЕВА



УЗУМ

Эрка синглим Гулзода
Хархаша қилиб қолди.
Хом узумни ейман деб,
Бир бошини узиб олди.

Онам: “Узма, узум хом,
Нима қиласан?” — деди.
Синглим эса: “Ўзим ҳам
Яхши биламан!” — деди.

Оғзига солган эди
Хом узумдан бир дон.
Йиғлади: “Вой-вой”, — деди,
Оғзим ачиди, ана!

Хом узумни Гулзода
Узмайман, деб сўз берди.
Узум сабаб илк бора
Аччиқ сабоқ юз берди.

НОН

Нон бу — ҳаёт, нон бу — жон,
Нон билан тирик инсон.
Қандай ширин, мазали
Тандирда ёпилган нон.

Отам ўрар бугдой, дон,
Онам ёпар иссиқ нон.
Нон билан тўлиб турсин,
Доим тўкин дастурхон.

Қорақалпоқ тилидан Рустам
МУСУРМОН таржимаси.

Мевагул ТУРСУНБОЕВА 1999 йил
Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой
туманида туғилган. Чимбой
умумтаълим мактаби ўқувчиси. Ёш
ижодкорларнинг “Истеъдод мактаби”
Республика семинари иштирокчиси.

Юлдузой ЎРМОНОВА



СОҒИНЧ

Автобуснинг тиниқ ойнаси
Мени хаёлларга элтади.
Салқин сабоқларга айланиб,
Хаёл эса сенга кетади...

Шабнам қўзларининг эслатар,
Дунё сендай қулиб боқади.
Мен кимга тортишман билмам, лек
Юрак мудом сенга тортади...

Бағри ўйиқ кекса дарахтлар,
Ийманиб бош чайқаган майса,
Шудрингчеҳра гуллар, гунчалар
Сени ёдга солар жилмайса...

Мени олиб қочиб кетишди,
Дайди хаёл ва дайди орзу.
Юрагининг соғиниб кетдим,
Дийдорингга тўйсайдим бир зум...

Ҳар кеч яна эслайман такрор,
Ўйлайман-да, дунё бир камдир.
Сен томон ҳам баҳор, сенда ҳам,
Айни замон қош қорайгандир...

Тагин эслатади бу оқшом,
Эгам соғинчингдан қўямасин.
Сени ёдга солар, Андижон,
Автобуснинг тиниқ ойнаси...

ЎЧИРҒИЧ

Қандай яшашган экан
Қадимдаги одамлар,
Ҳали ўчирғич деган
Нарса бўлмаган дамлар?

Ёзишгандир беҳато
Назаримда у пайтлар.
Ёзишмагандирлар ё
Ошиқлар ишқий байтлар..?

Йўқ! Асли қадимдан ишқ
Ҳар қалбга соя ташлар.

Бунга гувоҳдир бағри
Ўйилган қоя тошлар.
Ўша ёзувлар ҳануз
Йўқолмаган, кўчмаган.
Қанча қор-ёмғирларнинг
Остида ҳам ўчмаган!..

Дунё ўзгарган сайин,
Ўзгарди буткул замон.
Бугун ҳамма нарсага
Топпилади бир имкон.

Қоғоз қоралаб туллар
Қалб қушим учираман.
Шеър тўкилар қаламдан,
Ёқмас ўчираман...

Шароб рангги кетади,
Кетар сиёҳ доғи ҳам.
Кетармикин, ажажон,
Дилда доғ қолдирса ғам?..

Ўтмишда хато бисёр,
Кўксимда алам гиж-гиж.
Бормикан хотирани
Тозаловчи ўчирғич?..

ТУЛПОРИМ

Ўзгачадир менинг тулпорим,
Ўхшашни йўқ, жуда антиқа.
Чопаверар, чиқмас хумори,
Ҳатто тўхтамас бир дақиқа.

Бошқаларин кўрганман, баъзан
Вақт ҳукмига бош эгиб тўттар.
Меники-чи ўлғудай қайсар,
Тўхтамайди ҳам у шу қадар!..

Яна кўрдим кўп тулпорларни,
Бири қора, бири оловранг.

Ё шаҳзода отидай оппоқ,
Менинг-чи тулпорим алвонранг...

Ўзгаларнинг отлари чопиб,
Беғам юрар адир бағрида.
Менинг одамови тулпорим,
Дупурлайди кўксим қаърида...

Юлдузой ЎРМОНОВА 1995 йил
Андижон вилояти Ҳўжаобод
туманида туғилган. Тошкент
Давлат техника университети
қошидаги компютер технологиялари
академик лицейида тахсил олган.

Зулфия номидаги Давлат
мукофоти соҳибдори (2011 йил).

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ ГАЗЕТАМИЗ МЕҲМОНИ

Истиқлол йилларида адабиёт мухлисларининг бу сеvimли нашри ижодий жараёнининг ўзига хос кўзгусига айланди. Юртбошимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисола-сида "Адабий жараён кўзгуси бўлган газе-та ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва маъсулиятни янада кучайтириш керак"лигини таъкидлаб, "Ўзе-бистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Звезда Востока", "Ёшлик", "Амударё" жур-наллари қатори "Шарқ юлдузи" журналининг ҳам моддий техник баъзасини мустақам-лаш, шаклу шамойили, мавзу-мундарижа-сини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамо-атчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлашга даъват этади.

Журнал ўз олдига энг сара бадий, ада-бий-илмий, публицистик асарларни, адабий

мунозара ва суҳбатларни, Шарқ Фарб э-стетик тафаккурига жиддий таъсир ўтказиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотма-ган мумтоз намуналар таржимасини чоп этиб келаётир. Жумладан, "Муаззам Шарқ хазиначисидан" руқни остида Жалолиддин Румийнинг "Етти мажлиси", Абул Ҳасан Ҳуж-вирийнинг "Кашфул маҳжуб", Ибн Синонинг "Ишқ рисоласи", "Барҳаёт мерос" руқнида эса Перси Биши Шеллининг "Поэзия хими-яси", Гегелнинг "Эстетика", Шопенгауэр-нинг "Ҳаёт сабоқлари" номли фалсафий асарлари илк бора ўзбек тилида "Шарқ юлдузи" саҳифаларида эълон қилинди. Шу-нингдек, бугунги адабий жараёнининг асо-сий тамойиллари қамраб олинган таҳлилий мақола ва тадқиқотлари бахс-мунозаралар эълон қилинган. Жумладан, 2013 йилда мустақиллик даври ўзбек адабиётининг

асосий йўналишларини, ютуқ ва камчилик-ларини ёритишга бағишланган "Янги авлод овози" сарлавҳали суҳбатда адабиётимиз-нинг кўзга кўринган намоёндалари қатнаш-ди. Мазкур мавзудаги мунозара жорий йил-да давом эттирилмоқда. Айни пайтда журналда адабиётимизда кечаётган ижодий жараён манзараларини очиб бериш мақса-дида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказиб келинаётган йиллик муҳокамалар кенг ёритилмоқда.

Навр дизайни, савияси борасида из-ланишлар олиб борилмоқда. Журналнинг www.sharqyulduzi.uz веб-сайти интернет тармоғида электрон фойдаланувчилар учун ҳам беминнат хизмат кўрсатаётир.

Тахририят барча ўқувчилар ва муаллиф-ларни "Шарқ юлдузи" билан ижодий ҳамкорликка чорлайди.

Ҳабиб САЪДУЛЛА, Ўзбекистон халқ шоири

НАМАНГАН ТОНГИ

Тун кулранг этагин йиғиштирмоқда,
Асрий чинорларнинг апроқларидан.
Гул ҳиди омихта олма ҳидига,
Тутар йўловчининг димоғларидан.

Айни пишиқчилик, сўритокларда
Олтинранг ҳусайни кўрсатар жамол.
Анвойи нашвати, сархил ноклардан,
Бутуқлар эшилмиш гўё мажнунтол.

Ўхшаши топилмас боғқўча кўркин,
Гўё маъмур давр дастурхони бу.
Боғбон қалби каби сахий ва тўкин,
Миришкор меҳнатин чин нишони бу.

Тамбалар олинар дарвозалардан,
Ташриф буюрмоқда, ахир, қутли тонг.

Тонготар палласи боғқўчаларда,
Гулзорларда бесас ажиб бир оҳанг.

Чилвир сочин бошга чамбарак қилиб
Ховли супуришар келинлар, қизлар.
Улкан тандирларда олов ёқилиб,
Новвой иссиқ нонни, хў, боя узган.

Самовар қопқоғи шарақлаб турар
Исроил полвоннинг чойхонасида.
Гузлар қаймоғу қатиққа тўлар,
Қишлоқлик дўстлардан туҳфа-насиба.

...Меҳрин қориштириб пок ҳавосига,
Қўройиға-чирой кўшар Наманган.
Кўзгудир халқининг мудоасига,
Катта тўйхонага ўхшар Наманган.

Қатиқ-қаймоғини, нони, гулини,
Меваси, шеърини қилиб дастурхон,
Шаҳрим кўкси узра қўйиб қўлини
Тонгни қаршилайди, кутади меҳмон.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

ОЗОД ТАФАККУР АДАБИЁТИ

Ўзбекистон мустақил бўлгандан бери орадан 22 йил вақт ўтди. Бир авлод туғилиб, вояга етгулик фурсат бў. Демак, Истиқлол даврида дунёга келган фарзандларимиз ҳозир ба-лоғатга етиб, авлод бўлиб шаклланди, сафга турди. Айни дамда, катта авлод-лар ҳам бу вақт мобайнида Истиқлол-мафқурасини ўқиб-англаб, ўз дунёқа-рашию мақсад-муддаоларини Ватани-миз манфаатларига ростлаб, белни маҳкам боғлаб хизмат қилмоқда. Зеро, икки ўн йилдан мўлроқ давр мобайни-да юртимизда амалга оширилган ис-лохотлар ҳар бир фуқаронинг турму-ши ва онгида улкан ўзгаришларни со-дир этгани ҳақиқатдир. Бу жараён Мустақилликнинг илк кунларидан ҳозирга қадар — бир кун бўлсин, тўхта-гани йўқ. Бинобарин, бугун юртимиз-да истиқлол қилиётган ҳар бир киши-нинг онгида Истиқлол мафқурасидан кўчлироқ, таъсирлироқ, кўламлироқ ва аҳамиятлироқ ўзга бир мафқура йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ана шу ўзга-ришларнинг барчаси биларила эса, ижодкор бадий тафаккурда ҳам жи-дий эврилишларни содир этиб улгур-ди. Ўзгаришларнинг моҳияти шун-даки, ижодкор тафаккур миллият менталитетига ёт мафқура асора-тидан озод бўлди. Натижада, истиқ-лол даври ижодкорлари Мустақиллик берган улғур нъмат — озод тафаккур меваси ҳисобланмиш асарларини ёза бошладилар. Бу асарларнинг асосий-лари, албатта, анъанадан узилган гуд-далар эмас, аксинча, ўша силсиланинг давоми ўлароқ дунёга келган. Шу би-лан бирга, эркин бадий тафаккур маъ-сули сифатида ўзини намён қилаёт-гани кишини беҳад қувонтиради. Бу-гун юртимиз ижодкори ўз нуқтаи назарини, қадим Шарқ адабиёти-да бўлгани каби, олами сугрога — муқаррам Инсонга, унинг қалбига қаратган. Ҳамда ботиндаги мурак-каб жараёнларни баёнчилик йўли билан эмас, балки умуминсоний ва умумзамоний мезонларга суянган ҳолда мажоз воситасида қозғога туширмоқдалар. Бугунги Истиқлол даври ўзбек адабиётининг умумий ман-заралари нафақат оддий ўқувчини, балки соҳанинг энг талабчан мутахас-сисининг ҳам дилини равшан торти-ра олади. Чунки у гўят хилма-хил ва умидбахшдир. Хилма-хиллиги — адаби-ётдаги турфа йўналишларнинг ўзаро бағрикенгликка асосланган уйғунлик-да яшashi бўлса, умидбахшлиги — ана шу ранг-барангликни аюжда келтир-ган ижодкорнинг озод тафаккури би-лан белгиланади.

Модомки, гап адабий-бадий йўна-лишлар ҳақида кетар экан, масаланинг назарий жиҳатида оид бир фикрни ало-ҳида таъкидлашга эҳтиёж туюди, киши. У ҳам бўлса, адабиёт, айрим авангар-оқимлар даъво қилаётгандек, бошқо-тирма йўналишдан иборат эмас. Тўғри, унда йўналиш ҳусусияти бор, лекин "ўйин" адабиётнинг ўнлаб сифатларидан биттаси, ҳолос. Чинакам адабиёт ха-миша одамлар билан боғлиқ бўлади, улар-нинг қувонч-ташвишини тараннум эта-ди ва шу тарафда уларга елкадош, тақ-дирдош, дилдош бўлади, бўлиши керак. Яъни адабиёт эрмак эмас, асло! Шу маъ-нода, mening фикримча, **хаёт ҳақиқати-га таянган реализм бу — адабиётнинг Шох Кўчасига ўхшайди. Қолган бар-ча йўналишлари "изм"лар, агар таъ-бир жоиз эса, мана шу Шох Кўчага туташган тақдирдагина аҳамият касб этиши мумкин. Демак, реализм за-мин бўлса, қолган барча йўналиш-лар шу тупроқ бағридан ўсиб, кўкка бўй чўзгучи турли-туман дарахтлар-дир.**

Бугун ёзувчига ижтимоий буюртма берилаяпти, деб ўйламайман, аксинча, бадий тафаккур эркинлиги мавжуд ва буни чинакам ижод учун бирламчи ша-роит, деб ҳисоблайман. Эркин ижод иқлими негизда яратилаётган Муста-қиллик даври ўзбек адабиёти намуна-лари қандай асарлар, шаклу шамойи-

ли, мазмун-моҳияти нимадан иборат — буларнинг барини теран таҳлиллар асо-сида тушуниб олмағимиз зарур бўла-ди. Зеро, 2009 йилда Ўзбекистон Президентининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисо-ласи билан ўзбек адабиёти эҳми-масига, барча ижодкорлару олимлар уҳдасига азим масъулият юклаган эди. Шуни ҳисобга олиб, журналимиз саҳифаларида Истиқ-лол даври ўзбек адабиёти ҳақида давра суҳбати ташкил этдик. Суҳбат-га адабиётимизнинг барча жонқурла-рини тақлиф қилдик. Қарашлар турли-туман, қайсидир мулоҳазага қўшилиш, қайси бири билан баҳслашиш мумкин. Бу табиий, албатта. Лекин муҳими, **ада-биёт ҳақида, унинг муаммолари, та-дрижи, қонунлари тўғрисида, кечаги ва бугунги манзараси, эрта-си борасида суҳбат иштирокчилари дилидаги ўй-фикрларини бемалол изҳор этар экан, мана шу эркин-ликнинг ўзи тенгсиз бир нъмат эканлигини тушуниб олмағимиз, унинг қадрига етмағимиз керак, деб ўйлайман. Чунки ижодкор ва адаби-ётшунос унинг ўй-фикрини эркин баён этишдан, асарларининг эса ўқили-шидан ортиқ бахт йўқ. Тафаккурда-ги озодлик бу — чинакам мустақил-лик дегани. Улғур ўзбек адабиёти ва бу адабиёт ҳақидаги илм ҳам айнан мана шундай иқлимдагина ўсиб-унади, камол топади.**

Бирок эркин тафаккур дегани хаёлга нима келса, шунинг барига эшикни очиб қўйиш дегани эмас. Эркинлик — масъ-улият, авваламбор, миллатимиз ва ада-биётимиз манфаатларига хизмат. Турли мафқуравий курашлар авж олган бугунги зиддиятли дунёда чегарадаги аскар каби ҳушёр турмоқ, миллат руҳияти, анъана-лари, урф-одатлари ва мақсад-муддаolari-ни ичдан емирадиган оқим ва уларнинг гай-рининсоний ғояларига қарши миллий ме-нталитетимиз ва қадриятларимизни ҳар то-монлама қўриб қўйишларидан тамойил-лар ҳақида кўпроқ қайғурмоқ — давр тала-бига эмас, виждон амри ҳам. Худди шу маънода, вилоятлардаги адабий учрашу-влардан бирида адабиёт иқтисомиди айт-ган мана бу гап mening ёдидан сира чи-калмайди: "Навийнинг ётадиган маҳкам ушламаса, ўзини модернизмдан дея-ётганларнинг барчасини замоналар ша-молли чирпирак қилиб учириб юбора-ди". Ҳаққу рост! Рисолада: "...ёзувчи-ларимиз ўз исъётодиди билан одамларнинг онги ва дунёқарашини, маданий савия-сини юксалтириш, халқ қалбини қуйи-си бўлишдек оғир ва мураккаб, улғур бир вазифани зиммасига олган экан, авва-ло эл-юрт олдидидаги фарзандлик бур-чини, гражданилик позицияси ва масъу-лиятини чуқур сезиши, англаши хал қилувчи аҳамиятга эга" дейиладики, бу сўзлар замиридаги маъноларни, ўзини ижодкорман деган ҳар бир шоир, ёзув-чи ва драматург жиддий тарафда мушо-ҳада қилиб кўриши, улардан тегишли ҳулосалар чиқариши барчамизнинг муштарак мақсадимизга мувофиқдир. Зеро, чинакам исъёдошлар яратган адабиёт бу — миллат кўнглининг тарихи бўлиб ёдларга кўнгулланади, китобларга дарж этилиб, авлоддан ав-лодга ўтиб яшайди. Биз миллат сифа-тида кўнгул тарихимизнинг юксак ва боқий бўлишини хоҳлаймиз.

Улғурбек ХАМДА,
"Шарқ юлдузи" журна-
ли Бош муҳаррири


Инсон "бахтли кун"лари кўпайишига эмас, "бахтсиз кун"лари азайишига истаган ҳол-да бориға қанот қилиб яшашни ўрганиши ке-рак. Ҳар ҳолда, ҳаёт инсонга умрини роҳат-фароғатда ўтказишга эмас, балки бардош бе-риб, сабр-қанот қилиб яшаш учун беришган.

Кексаликнинг юпанчи ўтмишида қол-ган меҳнатининг, шунинг учун кекса-лик гапти бадастир ва фаровон ҳаёт ке-чиришда эмас, балки ҳам руҳан, ҳам жисмонан осойишта умр ўтказишдадир, чунки роҳат-фароғат бахт мезони бўла олмайди. У салбий бўлиб қолавереди. Фақат бойлик бахт келтирди, деб ўйлаш хато...

Ҳаётда мол-дунёга хирс қўйиб

Адабиёт эндиликда янги замон та-риҳи ичига кирди. Унинг эскича бўлиб қолмаслиги кундай равшан. Лекин янгича адабиёт қандай бўлади? Адабиётнинг янги модели борми? Ёзувчилар ва ўқувчиларни чека-либ, тор доирада қотиб қолмасликка чақирив ва ўзи, аввало, шунга амал қилиш учун интилиш — бу ҳам ҳозир-ги замон янги адабиётини яратадиганлар моделига яна битта таянч қозик. Кекса хурматли адбимиз Носир Фозиллов: "Адабиёт ясалмай-

Ортиқали ҚОЗОҚОВ. "Абдулҳамид Чўлпон"



Абу Али ИБН СИНО

ИШҚ ҲАҚИДА РИСОЛА

Ҳар бир ҳақиқий мавжуд ашё қайси-дир бир эзгуликни қабул қилар ёки ҳосил қилар экан, ҳайвоний руҳлар гўзал шаклларни севгани каби уни ўз табиғатига кўра севади. Ҳар бир ҳақиқий мавжуд ашё сезги туйғуси ёки ақл-фаросат билан табиий равишда ўз турму-шига фойдала ишларни бажаради. Бу ишларга табиатан илхос ва муҳаббат билан киришади. Айниқса, шахсий ҳаёти учун зарур ва эътиборга молик ишларни эър илхос билан бажаради.

Ҳайвонларнинг емишга, болаларнинг ота-оналарига бўлган интилиши худди шунга менгзайди. Яна шундай ҳам бўлади, у ёки бу мавжуд ашёнинг бошқа бирига эришмоғи, яқинлашуви ва яқин алоқада бўлиши унинг даража ва ус-тулигини оширишга хизмат қилади. Бунда ўша нарсаси иқкинчилиги ўз таби-атиға кўра, катта иштиёқ билан инти-лади. Бу худди ишчи шоғирдининг уста-(устод, пир)га интилгани каби бўлади.

Яна, агар руҳларнинг, инсонга тегиш-лими ёки фаришталарни, қатъи назар, Хайр ул-Мутлақ (офариниш, малакут, жабарут оламлари) ҳақида етарлича илм-га эга бўлмаса, илоҳий руҳ эгаси, деб аталмайди. Чунки бундай қалбларга ақлий тушушчалар ҳақида тўла билимга эга бўлгандан кейингина ўша сабаблар-

ди, яратилади", дейди. Адабиётга ўйин деб қарайдиганлар, албатта, яратишдан кўра кўпроқ ясашга иш-тиёқманд бўлдилар. Ясаш майлларидан паст фаросатларга мўлжалланган сўзбозликлар, ўйинбозликлар, турли ясамагарчиликлар урчиб чиқади. Яратиш, яъни ихтиро руҳи, кашфиёт-чилик руҳи янги адабиёт моделини мустақкам тутиб турувчи эгилмас, букилмас, синмас таянчдир.

Ёзувчи санъаткорнинг бош тасвир предмети — инсон. Инсон универсал ҳодиса. Адабиёт ва санъ-атни "ўйин", "томоша" деб қараш қадимдан келаётган чўпчак. Албатта, санъат чўпчаксиз бўлмайди. Мо-дери чўпчак ривоятларга қутилмаган маънодор кир-ралар бағишлайди. Асқад Мухтор айтмоқчи, чўпчак-да "нимадир" бор. Асқад Мухтор ёзувчиларнинг асарларини тинимсиз ўқиб, баҳо беришга, ижо-бий ёки салбий жиҳатла-рини рўй-рост айтишга ан-диша қилса, бу асарда "нимадир" бор, дерди. Агар ҳозирги асар асар-чўпчакларга "ўйин" ё "то-моша" деб қаралса, алба-т, уларда "нимадир" бор,

"нимадир" бўлмаслиги сира мумкин эмас. Аммо бу ўйин фақат ўйин учун-да. Жойининг "Улисс"ида ўйин руҳи беҳад кучли. Аммо бу ўйинлар тағида инсон, халқ, тақдирларнинг улкан дра-малари, фожиалари қалашиб ётади. Моҳирона тасвирланган ўйинлар (бу коллизияларда) инсон руҳий оламла-рининг симфонияси каби янграйди. Даврларнинг қиёфаси ва мазмун ав-лодларнинг фаолиятларига қараб бел-гиланади. Авлодлар бўлмаса, даврлар ҳам бўлмайди. Адабий-маданий авлод-ларнинг кети узилмайди. Авлод ҳеч қачон яқранглик дегани эмас. Ҳатто, қолаверса, бир адабий оқим намоён-далари ичида ҳам яқранглик бўлмайди.

Адабиёт тарихи — авлодлар тари-ҳи. Бу аксиомадан ҳеч ёққа қочиб бўлмайди. Эндиликда адабиёт кимнинг ёнида, дейилапти. Савол ҳа-ёлнинг ўйини учун берилгандай таас-сурот қолдиради. Адабиётни халқнинг ёнида, мамлакатнинг ёнида ё бизнес-меннинг ёнида деб бўлмайди. Адаби-ёт доим халқ жамиятининг ичида. Халқнинг ичидан чиқади ва халқнинг ичига ки-ради. У ташқарида ёки ёнбошда қолиб кетса, ўзини таназзулга маҳкум эта-ди. Адабий суҳбатлар асосида ҳозир-ги замоннинг қатор асарлари санала-ди, тилга олинади, лекин кўп адабий ҳодисалар суҳбатлар доирасидан бу-тунлай четда қолиб кетади. Камров-

ЎРИК ГУЛЛАГАН КЕЧА

Нур тушгандай боғнинг қўнига,
Новдаларда гуллаётир бахт.
Оппоқ, ҳарир ўрик гулига
Манглайини уриб олар вақт.

Титраб кетар кеча ҳайратдан,
Туннинг оху кўзида ҳалик.
Титроғингдан кетгудек тўзиб,
Новдаларга инган гўзаллик.

Гўё қантак ўрик шохига,
Фаришталар олгандай қўниб.
Орагимдан худди шу лаҳза
Гулгунчалар чиқмоқда униб.

Яшадимми одамдай зотан,
Англадимми ниға фароғат?
Оқ ўрикдай гуллай олмаган
Умрим энди жуда омонат.

Беҳиштий боғ...
Бир илоҳий нур
Оқиб келар кўкнинг тоқидан.
Гўё, гуллаб ётгандай шуур
Оппоқ, ҳарир ўрик шохига.

Энахон СИДДИҚОВА

хатоларга раддия бермаганимизда эди, бу масала очиклигича қолган бўлар эди. Биз агар бу хайрлиликни ўз моҳиятидан ажратсак, барибир, унинг моҳияти хайр сифатида таъ-рифланар ва мавжудликда давом эта-верарди. Агар у (кейин) эришилган бўлса, биз туғанмас бухрон(фасод)га эга бўлардик. Бу эса мумкин эмас. Агар у моҳиятлик (жавҳарли) бўлса, фикримизнинг исботи шудир.

Мен яна таъкидлайманки, Азалий сабаб ўз вужудда моҳиятли ва зару-риятли бўлмаган қандайдир хайрли-лик(эзгулик)ни қаердан олган, деб бўлмайди. Бу — мумкин эмас. Азалий сабаб баркамол эзгуликни ўз моҳия-тига таянган ҳолдагина кўлга қирита-ди. Чунки Азалий сабаб "эзгулик" деб аталган ўша сифатларга ўз моҳиятига таянган ҳолда эришмаганда эди, улар фақат яширин куч-қувват орқали мав-жуд бўлганда эди, унда Азалий сабаб уларни бошқа бир нарсадан олган бўлур эди. Аммо унга нисбатан бошқа бирон нарсаси йўқки, унинг нарсаларига ақиндан боғлиқ бўлмаса. Бундан келиб чиқадики, у эришяётган ана шу хайр-ли сифатларнинг бошланғичи сабабчи-си ҳам Унинг ўзидир... Аммо Азалий сабаб туфайли эришилган эзгулик бошқа бир нарсаси орқали келиб чиққан-да эди, унда бу хайрлик Азалий сабаб-да эмас, қандайдир у билан ўрин ал-машадиган бошқа бирон нарсаси бўлган бўларди. Бу эса ғирт бемаъни гапдир, буни юқорида исботладик.

Азалий сабабда ҳеч қандай айб ва нуқсон йўқ(у ҳар қандай нуқсондан ҳоли)дир. Бу қуйидагича исботланади. Баркамолликнинг акси нуқсондир. Нуқсон комилликнинг еттишмаслиги-дан пайдо бўлади. Агар бошқада учра-майдиган бирон нарсанинг имкони бўлса, ўша нарсанинг келиб чиқиш сабабини унинг ўзидан ахтарайлар. Бироқ аниқлаганимиздек, Азалий сабабининг комиллиги борасида бошқа ҳеч қандай сабабга ҳожаз йўқ. Демак, унда комил-ликка қарама-қарши бўлган бирон нуқ-сон ҳам йўқ, Азалий сабаб ўзига нисба-тан ўхшаш бўлган барча хайрли сифатларга эга бўлади. Юксак хайрли сифатларни ҳеч нарсаси билан тенглаштириб бўлмай-ди. Улар шундай хайрли сифатларнинг маъно-мазмунидирки, фақат унда (Азалий сабабда) бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Азалий сабаб ўзига нисбатан ўхшаш бўлган сифатларнинг барчасига эга эканлиги аниқ бўлди. Яна шу нарсаси ҳам маълум бўлдики, Азалий сабаб ўз моҳиятига кўра хайр-ликдир, шунингдек, бошқа мавжуд ашёларга сабабчи ҳамдир. Чунки У борлиқнинг мавжудлиги ва сақланиши-га Бош сабабчидир. Унга ҳос бўлган камолот борлик ва интилиш баркамол-лиги учун ҳам хосдир. Шунга кўра, Азалий сабаб барча нисбатларда хайрлик ва эзгудир.

Маҳкам МАҲМУДОВ ва
Зайниддин БАҲРИДИНОВ
таржимаси.

Артур ШОПЕНГАУЭР

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

яшаш эмас, аксинча, бу дунё азобла-ридан ўзини химоя қилиш чоралари-ни кўриш фойдалидир. Нодон роҳат-фароғат кетидан қувлайди ва умиди пунча чиқади, доно эса бало-офатлар-дан ўзини четга олади. Агар шундай қилиш қўлидан келмаса, тақдирга тан бериб юравереди. Бу нарсаси қай да-ражада амалга ошмасин, ўзини алдан-гандек ҳис қилмаслиқ лозим, чунки у ҳаётда бор нарсаси. Роҳат-фароғатни

бекордан-бекорга қўриб бериб ҳеч нарсаси эришмаган тақдирда ҳам ма-зкур ҳолат зарар келтирмайди, чунки у ҳаёлий нарсаси, афсусланишга арзи-майди.

Фақат таҳрибсиз ўсмиргина бу дунё роҳат-фароғат учун яратилган, унга э-пил ва улдабурон одамларига эриши-ши мумкин, деб ўйлайди. Бундай деб ўйлашга ўқиган китоблари, атрофида

тўлиб-тошиб ётган мунофиқ, сотқин одамларига сабабчи бўладилар. Шу ту-файли у ўйлаб-ўйламай ана шу бахт ке-тидан қувади, таваккал қилиб йўлда уч-раган хавф-хатарни шунчаки арзимас нарсаси деб ўйлайди.

Ўйқ нарсанинг ортидан қувиш охи-р-қибатда реал бахтсизликка олиб бо-ради: бу — қайғу-хасрат, азоб-укубат, дард, касаллик, жудодик, ғам-ташвиш, камбағаллик, шармандалик ва шунга ўхшаш минглаб муҳтожликлардир. Умидсизлик жуда кеч келади.

Умуман олганда, сершовкин зиё-фатларнинг мағзи пуч, ҳамоҳанглик йўқ, чунки ҳаётимизда ҳар қадамда

учрайдиган қайғули ва аянчли ҳолат-ларга таққослаганда улар янада яққолроқ кўзга ташланади. Лекин ташқаридан қараганда тантаналар одамларда яхши таассурот қолдир-гандек, мақсад ҳам шу эди, шекил-ли. Шамфор бу ҳақда жуда яхши фикр билдирган: "Зодагонлар дав-раси деб аталмиш меҳмондорчилик-лар, зиёфатлар беаъни ва расво сахна асарига ўхшайди, уларни фақат машиналару декорациялар ушлаб туради".

Рус тилидан
Абдунаби АБДУҚОДИРОВ
таржимаси.

Ўзбек бахшичилик санъати ривожига улкан ҳисса қўшган
Ўлкан ва Ислон шоир, Фозил Йўлдош ўғли ва Эргаш
Жуманбулбул ўғли қаторида Умар бахши ва Қодир
бахшининг муносиб издоши Қаҳҳор бахши
Қодир ўғлининг ҳам ўз ўрни бор.

Дил изҳори

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор бахши қўлаб халқаро танловлар лауреати, Марказий Осиё бахши шоирлар, оқин ва жировлар кўрик-танловининг бир неча бор ғолиби. Унинг "Ёдгор", "Қўнғирот", "Аҳмад Яссавий" дostonлари, "Мангулик жавоҳирлари" номли термалар ва шеърлар тўплами нашр этилган.

Бугун у ота-онаси, аждодлари, дорилмон кунларимиз ҳақида фахр билан сўзлайди:

— Ҳали бешиқда ётган маҳалимда, онам уй юмушлари билан андармон пайтлари отамиз бизни дўмбири чалиб оутарканлар. Эҳтимол, ўшанда инсон қалбининг илоҳий торлари билан туташиб кетган бу табарруқ соз юрагимга мангу ўрнашгандир. — дейди Қаҳҳор бахши. — Онам айтадилар, отам мактабга кетган

хашакка ўхшайди. Кўпгина бахшилар Қодир бахшининг олдида қўлига дўмбира олишга журъат қилолмаганлар. Чунки у кишининг салобати, руҳий ҳайбати, сўзи билан созининг бирлиги, ҳар қандай давраларни ҳаяжонлантириб, ўзгартириб юборган. Масалан, бир кеча-кундуз тўхтовсиз дoston айтса ҳам қўшиқларидаги дард, изтироб, орзу-истакларнинг биттаси ҳам чалқиб кетмаган. Худди ёзма адабиётдагидек, 11 бўғинда бошланса, 11 бўғинда тугаган. Баҳоланки, барчаси бадиҳагўйлик йўли билан, оғзаки тўқиб айтиб кетилаверган. Бунинг учун, албатта, Худо юқтирган иқтидор, илоҳий дард бўлиши шарт. Юрак тоза, ният пок бўлиши керак.

ЁРНИ ГУЛГА ЎХШАТИБ

Миниатюра азалдан Шарқ тасвирий санъатининг юрагига қиёслаб келинади. Ушбу ижод турига хос аънаналар замонавий ўзбек рангтасвирида ҳам муносиб тарзда давом этмокда. Ана шундай фаол ижод қилиб келаётган иқтидорли миниатюрачи рассомлар орасида Бехзод Ҳожиматовнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Шу йил феврал ойида Камолитдин Бехзод номидаги мемориал бог-музейда бўлиб ўтган Алишер Навоий ва Захриддин Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазмада намойиш этилган асарлари бунинг далилидир. Мусаввир билан суҳбатимиз миниатюра санъати, унинг бугунги маданий ҳаётимиздаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида бўлди.

— Хабарингиз бор, отам Баҳодир Ҳожиматов бутун иходини миниатюрага бағишлаган рассомлардан, — дейди Бехзод ўқувчилик даврида чизилган бежирим асарларини кўрсатаркан. — Лекин бу, албатта, мен ҳам шу соҳани танлашим керак, дегани эмас. Оиламизда фарзандларнинг касб танлашини ўзларига қўйиб беришган. Бироқ биз истаимизми, йўқми, оиладаги муҳит, албатта, фарзандларга таъсир қилади. Чунки уйимиздаги санъатга оид китобларни ўқиб чиқардим, суҳбатлар мавзуи ҳам тасвирий санъат атрофида кечар, дадам билан кўргазмаларга бирга борардим. Ана шу жараён беихтиёр онгу шуғуримга таъсир қилиб, кундан-кунга санъат оламини шайдоқилдим ортиб борарди. Шу сабаб тасвирий санъат билим юртининг рангтасвир йўналишида ўқидим, лекин уйда кўпроқ миниатюра билан шуғулланардим. Баъзилар миниатюрани кичик, муъжаз нарса деб тушунишди. Аслида миниатюра асарини исталган ҳажмда яратиш мумкин. Бу билан унинг жозибаси йўқолиб қолмайди. Аксинча, ҳар сафар ўзгача мазмун касб этиб, томошабинни оҳанрабодек тортаверди. Матисс, Кандинский, Пикассо каби жаҳонга машҳур рассомлар миниатюра санъатига ҳайрат билан қараб, уни ўрганиб, айрим жиҳатларидан андоза



олганларида нега биз ўз аънаналаримизни чуқур ўрганмаслигимиз керак?! Ана шуларни ўйлаб, миниатюра санъати билан жиҳдий шуғулланишга қарор қилдим. Бунда менга биринчи навбатда отам ёрдам бердилар. Қолаверса, устозларим — тўғарақда Ваҳоб Зиёев, билим юртида Абдусамат ака, институтда Ниёзали Холматов, Алишер Мирзаев, Мирҳамид Собиров, Соҳиб Раҳмонов каби таниқли рассомлар тажрибасига суяндим. Улардан кўп нарсаларни ўргандим ва ҳамон ўрганаёпман.

— Ҳозир сиз миниатюранинг янги талқинлари, янги ашё ва усуллар топиш борасида изланиб, замонавий композициялар устида иш олиб боряпсиз. Одатда миниатюра ўз аънаналари, қабул қилинган ижодий қонун-қоидалари билан миниатюра. Шу маънода янгилик деганда нимани назарда тутаяпсиз?

— Албатта, миниатюра қадимдан давом этиб келаётган, ўз аънаналарига эга бўлган мумтоз санъат йўналиши. Лекин айнан бир йўналишда қайта-қайта асар



Рассом устахонасида

ишлайвериш санъатни ҳунармандчиликка айлантириб қўйиши мумкин. Айтайлик, буюк мусаввир Камолитдин Бехзод ўзидан аввал яшаб ижод қилган устозлар иходини ўрганиб, уни янада такомиллаштириб, юксак композицион маҳоратга ва ранглар мутаносиблигига эришган. Унинг иходида геометрик ва илмий шакллар уйғунлиги юқори даражада. Тасвирий санъатда, хусусан, миниатюрада нафақат тарихий, балки замонавий асарлар яратиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаси, деб ўйлайман. Камолитдин Бехзод ва шу йўналишда ижод қилган мусаввирлар ўз замонасини куйлаган. Биз бугун ўзимиздан аввал ижод қилган рассомлар асарлари орқали ўша давр тарихи, маиший турмуш тарзи, одамларнинг қиёфалари, муҳит, фойдаланган жиҳозлари ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Менимча, биздан кейинги авлод ҳам асарларимизни кўриб, давримиз ва одамлар ҳақида тушуночқа эга бўлиши керак. Демак, аънаналарга суянган ҳолда янги гоёлар устида, уларда замонавий усулларни қўллаш борасида изланишимиз зарур. Токи, келажак авлод биздан қолган мерос билан фахрлансин.

— Мумтоз асарлар, хусусан, дostonлар, газаллар асосида миниатюралар яратиш аънанаси азалдан маълум. Буюк мутафаккир Алишер Навоий газали асосида яратган "Қаро кўзум" номли миниатюрага санъат ихлосмандларида катта таъсирот қолдирди. Шу асарнинг яратилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Институтда устозимиз Алишер Мирзаев санъат ва маданият намоёндалари билан учрашувлар ташкил этиб турарди. Шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон халқ хофизини Ҳасан Ражабий билан бўлди. Хофиз ижро этган бир неча

мумтоз ашулалар орасида Алишер Навоий газали билан яратилган "Қаро кўзум" ашуласи мени туркум асарлар ишлашга ундади. Аввалига газалнинг ҳар бир байтига миниатюра ишлаш фикри туғилди, лекин газал мазмунидан келиб чиқиб, туркум асар яратдим. Мазмунан газал кўз ўнгимда этилиш, ҳижрон ва айрилиқ каби қисмларга бўлинди. Бу асарни аввалига тўртбурчак шаклида, кейин думалоқ ва ниҳоят, учта тўғри тўртбурчак шаклида ишлашга қарор қилдим. Бир қатор қоралама ва ранг борасидаги изланишлардан сўнг шу тўхтамга келдим. Албатта, тарихий манбаларсиз ишлаш бир мунча қийин бўлар эди. Ўша давр либослари ва одамлар қиёфаларини чуқур ўрганган ҳолда образ яратишга ҳаракат қилдим. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бирининг асосида севишганлар орзуи, уларнинг ички кечинмалари нигоҳлари титмосида намоён бўлади.

Биринчисида икки ошқининг бир-бирига этилиш иштиёқи шунчалик зўр бўлиб, кўз қорачигини банд қилиш, ёрнини тарқ этмаслик ҳисси "эмди фан қилғил", яъни кўз қорачигини ватан қилгин, деган маънони очишга ҳаракат қилганман. Иккинчи қисмда юраклар висол истаб тилка-пора бўлгани образли ечилган. Учунчи қисмда эса "гулоб ила ювгуну гўл баргидин қафан қилғил" мисраси ўз аксини толган. Ёрни гулга ўхшатиш, унинг кўз ёшини гулобга, яъни гуллардан чиқадиган ҳушбўй исга, қафанининг эса гўл баргига ўхшатилиши мени жуда таъсирлантирди. Бу Навоий шеърининг мен томондан қўйилган биринчи қадам, келажакда шу изланишларимни янада кенгайтириб, туркум асарлар ишлаш ниятим бор.

Лазизжон БАХРАНОВ
суҳбатлашди.

ДУНЁДА БУНДАЙИН ДОСТОН БЎЛМАГАН



ларида, ҳали тўрт ёш пайтимда юқорида турган дўмбирани оларканман, ўзимча нимадандир бир оҳанг, садо чиқаришга уриниб кунларимни ўтказарканман. Бу ҳол давом этаверганидан кейин, отам ўша тўрт ёшимда тоғалари Ражаб шоирдан дўмбира ясаиб келтириб берганлар. То ўсмир ёшимгача шу дўмбирани чалиб юрдим. Ҳозир ўша пайтларни хотирласам юрагим ораниқиб, титраб кетаман. Отам дўмбирани қўларига олганларида мутлақо бошқа ҳолатга тушиб, ернинг одамига ўхшамай қолардилар.

Биз оилада тўрт киз, тўрт ўғлимиз. Отамнинг тўртта хислати тўрт ўғлига бўлиб берилган, назаримда. Масалан, Абдимурод укамда унинг соз чалиш маҳорати, Баҳодир укамда Қодир бахшининг характери, фазилатлари, Баҳром укамда бўйи баста, овози, менда ижодкорлиги, бадиҳагўйлиги сақланиб қолган. Мана шу тўртта жиҳатни бирлаштирганда афсонавий Қодир бахшининг ахлит сиймоси гавдаланади. Бу шунчаки айтиладиган исм эмас. Қодир бахши деган номга ўзгача бир масъулият, ички бир шараф билан ёндашиш керак, деб ўйлайман. Шундай яшаб келаяпман ҳам.

Мухтарам волидам Мапорхон Ашур кизи ҳозир 78 ёшдалар. Онам отамнинг ижоди шаклланишида ҳамма ўзбек аёллари каби ўзини фидо қилган, жоннисор бўлганлар. У кишида ҳам, отамда ҳам Оллоҳ юқтирган истеъдод бўлган. Энди-энди разм солсам, онам аллани ниҳоятда маромига етказиб айтарканлар. Қишлоқ келин-чаллари келиб хали-ҳамон онамдан алла ўрганиб кетишди. Тўрт ёшимда биллиб-билмай дўмбира ушлаган бўлсам, катта бўлганим сайин бу соз ҳаётим мазмунига айланиб борди, деса мижонаверинг. Уйимизга меҳмонлар келиб дўмбира садоси янграши билан меҳмонхонанинг даҳлизига ўтириб оларканман. Баъзида ухлаб қолсам, бошқа уйга олиб кириб ётқизиб қўйишса, яна жойимдан туриб меҳмонхона даҳлизига келиб оларканман. Шунда отам раҳматли меҳмонлар ёнига кириб ўтиришимга рухсат берарканлар. Мана шундай илоҳий сўнам оханлар беланчагидега тебраниб-тебраниб, умрининг кўпкам фаслидан до-нишмандлик фаслига ҳам етиб келдик

Халигача бирон жойда дўмбира садосини эшитадиган бўлсам, бефарқ ўтиб кетолмайман. Албатта, тўхтаб кулоқ соламан. Бу инсон юраги билан туташ илоҳий соза шунчаки қараб бўлмайди. Қодир бахши деганда бизни тўлқинлантирадиган, ҳайратларга соладиган нарса бахшидаги уйғунлик. Уйғунлики, соз, сўз, овоз бирлиги, туташлиги. Мана шу учта ҳамжиҳатлик бахшини бахши қилади. Мана-ман деган бахшиларнинг баъзисининг сози ўхшамайди, сози ўхшаса, овози ўхшамайди, айтаётган сўзи донсиз

Бахши одамларга, борлиққа эзгу назар билан боқиши зарур.

Отам ҳам устозим Қодир бахши 74 та дostonни ёд билган. Домла Абдумин Қаҳҳоровнинг фойдйойлиги билангина "Ёркинмастон" ва "Нуранининг ёшлиги" деган иккита дoston ёзиб олинган. Шу иккита дostonи чоп этилди, холос. Қолган 72 таси ўзи билан кетди. Ўша замонлардаги бефарқликнинг, эътиборсизликнинг натижаси бу.

Шоир айтганидек, бугунги алвон-алвон давронни қарангки, Юртбошимиз ғамхўрлиги, номоддий-маданий меросга эътибор натижаси ўлароқ, биз бахшиларга катта эҳтиром, рағбат кўрсатилаяпти. Бунинг қадрига етиш керак!

Афсуски, Қодир бахши шу кунларга етиб келмади. Лекин менга фахр ва ғурур бағишлайдиган жиҳат шуки, ҳеч қайси бахшининг Қодир бахшидай шогирдлари кўп эмас. Фарзандларидан икитаси "Халқ бахшиси" деган шарафли унвонга сазовор бўлгани ҳам у кишининг меҳнатлари самараси. Бадиҳагўйлик йўли билан шогирд етиштиришнинг ўзи бўлмайди... Отамнинг 32 та муносиб шогирдлари бор. Шунинг учун ҳам профессорлар Малик Муродов, Тўра Мирзаевлар Қодир бахшини "Осиёнинг Хомери" дея эътифот этишган.

Елдек учиб кетаётган вақт, умринг тез сурыатлар билан илгарилар бориши инсоннинг ёшини улғайтириши билан бирга туйғулларини, қарашларини ҳам чарқлаб, тарошлаб боради. Кечагина ҳаёт, яшах ҳақида чикарган хулосаларининг бугун бошқачароқ мулоҳаза қиласан.

Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Қандай дорилмон замонда, гўзал, фаровон Ватанда яшаямиз... Ўзининг, ўзалигини намоён қилмоғинг учун барча имкониятлар, шароитлар яратилган Ватанда умр ўтказишдан ҳам ортиқроқ бахт борми одамга! Дунё майдонларида Ўзбекининг мадҳияси янграпти, Ўзбекистон байроғи хилпираяпти, кўриб, кузатиб туриб юрагинг ҳаприкиб кетади! Беихтиёр тилингга шеър қўйилиб келади:

Истиқлолдан қуйлай қувноқ оҳангда,
Кўп ўзгариб бўлди ҳар бир соҳангда,
Қанча замон ўтса ҳамки жаҳонда,
Бизнинг давримиздай даврон бўлмаган...

Ватаним гуллаган халқимга балли,
Дунёга танитган таълимга балли,
Самарқанд юлдузи — билимга балли,
Биз тошган юлдузга гумон бўлмаган!

Қаҳҳор бахши айтар терма дostonни,
Дилида ардоқлаб Ўзбекистонни,
Жаннат деб ардоқлар чўлу бўстонни,
Дунёда бундайин дoston бўлмаган!

Бизнинг давримиздай даврон бўлмаган!
Озода БЕКМУРОДОВА
ёзиб олди.

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

Болалик ранглари

Кунларнинг бирида буюк испан рассоми Пабло Пикассонинг болалар кўргазмасига тақриф этишди. Намойишдан ўрин олган ранг-баранг асарларнинг синчиклаб томоша қилган машҳур мусаввир кутилмаганди.

"Мен бутун умрим давомида мана шу болаларга хос савимиятга эришишни орзу қилгандим", дея ҳайратини изҳор этади. Яқинда Германиянинг Динслакен шаҳрида ташкил этилган ўзбек болалари кўргазмасида иштирок этган немис ижодкорларида ҳам ана шу фикр уйғонган бўлса, ажаб эмас. Ўзбекистондаги Германия элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда икки ёшдан ўн икки ёшгача бўлган жажжи мўйқалам соҳибларининг асарлари намоийиш этилди.

Кўргазма ўтказиш учун айнан Динслакен шаҳри танлангани бежиз эмас. Чунки дунёнинг турли мамлакатларидан келган юзлаб болаларга Германияда даволаниши учун кўмак кўрсатадиган "Friedensdorf International" хайрия ташкилотининг идораси айнан шу шаҳарда жойлашган. Ушбу ташкилот 2002 йилдан буён "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмокда. Ҳозирги кунда Динслакенда мамлакатимиздан келган йигирмага яқин ўғил-қизлар даволанмокда.

Жажжи мўйқалам соҳибларининг ранг-баранг

мавзудаги, ёрқин ва қизиқарли асарларини томоша қилган хорижий санъат ихлосмандлари мамлакатимизда болаларнинг баркамол ривожланиши учун яратилган қулай шароитлар ҳамда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш юзасидан ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратдилар. "Friedensdorf International" ташкилотининг матбуот котиби Хана Ломаннинг таъкидлашича, Динслакенда ўзбекистонлик иқтидорли болаларнинг шахсий кўргазмаларини ташкил этиш ҳам режалаштирилмокда.

Ўзбек меъморлари Францияда

Ўзбекистонлик ёш меъморлар Францияда ташкил этилган илмий-ижодий сафарда иштирок этишди. Ташкент архитектура ва қурилиш институти ҳамда Версал миллий архитектура мактаби билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир доирасида кўплаб илмий ва ижодий лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, шу йилнинг апрел ойида франциялик талабалар Ўзбекистонга ташриф буюриб, пойтахтимиздаги тарихий обидаларни ўрганишда қатнашишди. Мазкур тадбир натижаларига кўра Версал саройида ёш меъморларининг мамлакатимиздаги сафарлари чоғида яратилган ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонлик меъморларнинг Францияга уюштирилган сафари ҳам мазмунли кечди. Ташкент архитектура ва қурилиш институти талаба ва ўқитувчилари франциялик меъморлар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлишди. Сафар давомида ўзбек меъморлари турли тарихий обидалар, хусусан, Версал саройи, унинг ўзига хос архитектура-си билан ҳам яқиндан танишишди.

навий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Вилоятнинг ўн саккиз шаҳар ва туманларида жойлашган 36 маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли энг чекка қишлоқларда ҳам ўтказилган учрашувлар ва самимий суҳбатларда Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг 23 йил давомида босиб ўтган шонли йўли, замондошларимизнинг бунёдкорлик фаолияти, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик ҳақида мароқли гурунгол бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоир ва ёзувчилар Темура Убайдулло, Жамолитдин Абдиев, Шавкат Туроб, Нуриддин Аминжон, Зарифа Эралиева, Ашурали Боймурод, Ботир-

жон Эргашев, Латифжон Мансур ва бошқа ижодкорлар Ватан ва мустақиллик мавзусидаги янги шеърларини ўқидилар. Шаҳар қишлоқларда яшаб меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳам

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида

тадбирларда сўзга чиқиб, ўз дил сўзларини, шукроналик туйғуларини чин дилдан изҳор этдилар. Эл орасидаги эътирофларда мамлакатимизда ўтган тарихан кисса давр ичида барча соҳаларда мислсиз ютуқларга эришганимиз, мустақиллик эълон этилганининг илк йилдан бошлаб, ёшларга ва хотин-қизларга катта

эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатиб келинганлиги, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодларини рўйга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса қиз болаларни замонавий билим ва касб-ушунларни эгаллаб,

ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида сўз борди.

Таниқли санъаткорлар ва эстрада хонандалари иштирокида ижро этилган сахна лавҳалари, ашула ва рақслар тадбирларга файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Сизга тақдим этилаётган
ўзбек ва жаҳон
адабиётининг энг сара
намуналаридан
баҳраманд бўлинг.
Хонадонингизни илм ва
маърифат зиёси
ҳеч қачон тарк этмасин.



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29, 241-35-47. Моб.: (+99895) 144-41-82. Web-сайтимиз: www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz

Махсуслотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 2014-2015 ўқув йили учун талабалikka қабул эълон қилади!

Институтда қуйидаги бакалаврият таълим
йўналишлари ва магистратура
мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Бакалаврият таълим йўналишлари:

Таълим йўналишларининг танлов коди (шифр)	Таълим йўналишлари
	Тошкент шаҳри
5111000	Касб таълими (турлари бўйича).
5111049	Касб таълими: Актёрлик санъати.
5111051	Касб таълими: Халқ ижодиёти: вокал жамоалари раҳбари.
5111063	Касб таълими: Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш.
5150200	Санъатшунослик (турлари бўйича).
5150203	Санъатшунослик: театршунослик.
5150207	Санъатшунослик: сахна ва экран санъати драматургияси.
5150300	Актёрлик санъати (турлари бўйича).
5150301	Актёрлик санъати: драматик театр ва кино актёрлиги.
5150302	Актёрлик санъати: мусикий театр актёрлиги.
5150303	Актёрлик санъати: кўғирчоқ театри актёрлиги.
5150304	Актёрлик санъати: эстрада актёрлиги.
5150400	Режиссёрлик (турлари бўйича).
5150402	Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги.
5150403	Режиссёрлик: телевидение ва радио режиссёрлиги.
5150405	Режиссёрлик: мусикий театр режиссёрлиги.
5151400	Техноген санъат (турлари бўйича).
5151402	Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги.
5151500	Кино-телеоператорлик.
5151600	Халқ ижодиёти (турлари бўйича).
5151602	Халқ ижодиёти: фольклор-этнографик жамоалари раҳбари.
5151603	Халқ ижодиёти: вокал жамоалари раҳбари.
5151604	Халқ ижодиёти: халқ жамоалари раҳбари.
5151605	Халқ ижодиёти: чолғу ашула ва рақс ансамбли раҳбари.
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш.

Нукус филиали:

5150300	Актёрлик санъати (турлари бўйича).
5150302	Актёрлик санъати: мусикий театр актёрлиги.
5150400	Режиссёрлик (турлари бўйича).
5150403	Режиссёрлик: телевидение ва радио режиссёрлиги.
5151400	Техноген санъат (турлари бўйича).
5151402	Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги.

5151600	Халқ ижодиёти (турлари бўйича).
5151603	Халқ ижодиёти: вокал жамоалари раҳбари.
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш.

Магистратура мутахассисликлари:

5A 150201	Театр санъати.
5A 150301	Актёрлик санъати (турлари бўйича).
5A 150301	Мусиқали театр актёрлиги санъати.
5A 150301	Кўғирчоқ театри актёрлиги санъати.
5A 151401	Овоз режиссёрлиги (турлар бўйича).
5A 151401	Овоз режиссёрлиги: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги.
5A 151501	Кинооператорлик.
5A 151701	Маданият ва санъат соҳаси менежменти.
5A 610401	Маданиятшунослик.
5A 151601	Халқ ижодиёти (турлари бўйича).
5A 151601	Халқ ижодиёти: Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик.
5A 151601	Халқ ижодиёти: Чолғу жамоаларига раҳбарлик.

Институтга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
 2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (аттестат ёки дипломнинг асл нусхаси);
 3. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
 4. 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
 5. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади ва нусхалари топширилади;
 6. Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.
- Ижодий имтиҳонлар 25 июлгача ўтказилади. Ижодий имтиҳон бўйича консультациялар 3 июлдан бошланади. Абитурientлар 1 август кунги тест синовларини топширадилар. Тест синовлари бўйича консультациялар 26 июлдан 30 июлгача давом этади. Институтда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Абитурientлар кўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига мурожаат этишлари мумкин.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани,
Яланғоч даҳаси 127-а уйда қабул қилинади.
Телефон: 230-28-40

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш
бирлашмаси, Театр ижодкорлари
уюшмаси Ўзбекистон халқ артисти
Фароғат РАХМАТОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳума-
нинг оила аъзолари ва яқинларига
чуккур таъзия изҳор этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш
бирлашмаси, Театр ижодкорлари
уюшмаси Ўзбекистон халқ артисти
Ҳасан АМИРКУЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг
оила аъзолари ва яқинларига чуккур
таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси, «Ижод» жамоат
фонди уюшмаси аъзоси
Абдусаттор Хотамовга онаси
НАЗМИ аянинг
вафоти муносабати билан
чуккур хамдардлик
билдиради.

Ўзбекистон
Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги
«Ўзбектеатр»
ижодий-ишлаб
чиқариш бирлашмаси

«Соғлом бола»
йилига бағишлаб
ҳамда Ўзбекистон
Республикаси
Мустақиллигининг
23 йиллиги муносабати
билан театр
сахналарида замонамиз
қаҳрамони тимсолини
яратишга қаратилган
драматик асарлар

ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Муаллифлар томонидан
тақдим этилган асарларда:

Мустақиллик йилларида
мамлакатимизда барча соҳа-
ларда қўлга киритилган ютуқ-
лар, тинчлик, осойишталик
ҳамда бунёдкорлик йўлида
амалга оширилаётган эзгу
ишлар;

Турли соҳаларда фаолият
юритаётган замондошлари-
мизнинг жамиятда тутган ўрни,
уларнинг мамлакатимизни яна-
да обод ва фаровон қилиш бо-
расида олиб бораётган фидо-
корона меҳнатлари;

Ёшларимизга ибрат бўла-
диган, уларнинг ҳар томонла-
ма комил инсон бўлиб вояга
етишлари, онгида ватанпар-
варлик, миллий ва умумба-
шарий қадриятларга ҳурмат-
эҳтиром туйғуларининг мус-
таҳкам қарор топишига хиз-
мат қиладиган ҳаётий сабоқ-
ларнинг акс эттирилиши;

Халқимизнинг бағрикенгли-
ги, бунёдкорлик ҳислатлари,
ота-она, устоз-шогирд ва
фарзандларга бўлган меҳр-
қошбат анъаналарига содиқ-
лик каби фазилатлари ўз ак-
сини топган замонавий қаҳра-
мон образи ифодаланган
бўлиши талаб қилинади.

Тақдим этиладиган асарлар
ўзбек тилида, 3 нусхада,
компютерда А-4 форматда, 1,5
интервалда кўчирилган бўлиши
ҳамда ҳажми 30-40 саҳифадан
ошмаслиги лозим.

Саҳна асарлари 2014 йил-
нинг 15 августига қадар қабул
қилинади.

Ҳужжатларни аниқлаш ва
рағбатлантириш Ўзбекистон
Республикаси Муста-
қиллигининг 23 йиллиги
байрами арафасида амалга
оширилади.

Ҳужжатларни аниқлаш ва
рағбатлантириш Ўзбекистон
Республикаси Муста-
қиллигининг 23 йиллиги
байрами арафасида амалга
оширилади.

Ҳужжатларни аниқлаш ва
рағбатлантириш Ўзбекистон
Республикаси Муста-
қиллигининг 23 йиллиги
байрами арафасида амалга
оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 51-уй
«Ўзбектеатр» ижодий-
ишлаб чиқариш
бирлашмаси
Тел: 233-44-08, 233-47-26

Ташкилий кўмита.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Дантенинг буюк муҳаббати

Буюк италян шоири, адабиётшунос ва мутафаккир Данте Алигери (1265-1321) ҳаётига доир маълумотлар кўп эмас. Баъзи асарларида унинг таржimai холи қисман тилга олинган ўринлар учрайди. Флоренцияда дунёга келган бўлажак шоирнинг қаерда ўқигани номаълум, бироқ билимини етарли ҳисобла-
магани учун мустақил равишда таълим олиш, чет тилларни, антик шоирлар ижодини ўрганишга кўп вақт сарфлайди. Ай-
ниқса, Вергилейга катта эҳтиром билан ёндошиб, ўзига устоз
ва раҳнамо ҳисоблайди. Данте тўққиз ёшида тақдири ва ижо-
дида чуккур из қолдирган воқеа бўлиб ўтади: у ўзига тенгдош
қўшни қиз — Беатриче Портинари билан танишади. Бошқага
турмушга чиққан ва бевақт ҳаётдан қўз юмган соҳибқамол
Беатриче образи орадан ўн йил ўтиб, унинг бутун ҳаёти ва
шеърлигига таъсир кўрсатган ёрқин сиймога айланади. 1292
йили ёзилган «Янги ҳаёт» китоби унинг ана шу ёш аёлга бўлган
кучли муҳаббатининг шеър ва насрдаги ифодаси, жаҳон ада-
биётида илк автобиографик асар ҳисобланади. Гарчи, у 1280-
йиллардан бошлаб ижод қилаётган бўлса-да, бу китоб шоир
номини шуҳратга буркайди.

Беатричининг ўлими Дантенинг илм билан жиддий равиш-
да шуғулланиш, фалсафа, астрономия, илоҳийтни чуккур ўрга-
нишига сабаб бўлади. У ўз даврининг энг маърифатли сиймо-
ларидан бири бўлиб етишади, 1295-1296 йилларда жамоат ва
сиёсий арбоб сифатида фаолият олиб боради, шаҳар кенга-
ши ишида қатнашади. 1298 йили Данте уйланган Жемми До-
нати хоним умрбўйи унга тақдирдош камтарин аёл бўлиб қола-
ди. 1302 йили фаол сиёсий фаолиятни тўхтатиб, бошқа юрт-
ларни кезишга мажбур бўлади, 1308-1309 йиллари Парижда
ўтказди. Имкон туғилганда ҳам Флоренцияга қайтмасдан Ра-
венна шаҳри эзри тақлифи билан 1316 йили шу ерда мўқим
қолади. Ҳаётининг сўнгги йиллари ўғиллари, севгилиси Беат-
ричининг қизи, муҳлислари ва дўстлари даврасида кечади.
Шоирнинг Флоренциядан узокдалига ёзилган «Илоҳий ко-
медия» асари унинг номини мангуликка муҳрлади. Асар 1307
йилларда ёзила бошланиб, охириги «Жаннат» қисми вафотидан
сал олдин якунланган. Данте истеъдодининг чўққиси ҳисоб-
ланган бу асарнинг «Дўзах» ва «Аъроф» қисмининг тўққиз қўшиги
атокли шоиримиз Абдулла Орипов томонидан она тилимизга
ўғирилган. Данте Алигери ижодий меросида фалсафий трак-
татлар, публицистик ва лирик асарлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Рузвельтни қизактарган адиб ва рассом

Канадалик ёзувчи ва табиатшунос, жониворларни тасви-
ловчи рассом Эрнест Сетон-Томпсон (1860-1946) Буюк Бри-
таниянинг Саут-Шилдс шаҳрида туғилган. Бироқ у беш ёшга
тўлганда отасининг ишлари юришмай оила Канадага кўчиб бо-
ради. Табиатни севган, вақтини ўрмон ва далаларда ўтказган
Эрнест бу даврни кейинчалик «Кичкина ёйвонлар» китобида
ўзининг бахтли болалик йиллари сифатида хотирлайди. У То-
ронтодаги санъат мактабида сабоқ олган, маҳоратини оши-
риш учун Лондонга келади. Илк асарлари Британия музейи
директорини ҳайратга солиб, музей манбалари ва кутубхона-
сидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шу даврда жо-
ниворлар ҳаётига ҳам қизиқиб, қушлар расмини чиза бошлай-
ди. Бироқ соғлиги ёмонлашган, яна Торонтога қайтади ва ти-
рикчилик ваҳидан дуч келган иш билан шуғулланади.

1883 йили Эрнест Сетон-Томпсоннинг қушлар ҳаётига доир
илк китоби нашр этилади. «Мен билган ёйвонли ҳайвонлар»,
«Ов қилинадиган жониворлар ҳаёти» ва саккиз жиллик «Ёйвонли
йиртқичлар ҳаёти» тўпламлари босилган эса, у АҚШ ва Кана-
дада машҳур бўлиб кетади. Ёйвонли ҳайвонлар ҳаётига бағиш-
лаб яна қирқта китоб ёзади, улар учун расмлар чизади. Бу
китобларда хинду қабилалари ҳаёти ҳам қаламга олинган.

Адиб АҚШнинг Санта-Фе шаҳри яқинидан уй сотиб олиб,
мусаввирлик асарларини Европа ва АҚШда намойиш этади.
Хатто президент Теодор Рузвельт унга йўлбошчи бўри сурати-
ни чизишга буюртма берган. Ҳозир адиб мўйқаламига мансуб
бу асар Т. Рузвельт галереясига қўйилган. Сетон-Томпсоннинг
биринчи никоҳдан туғилган қизи машҳур тарихчи ва автобио-
график асарлар муаллифи бўлиб етишган. 1960 йили адибнинг
юз йиллиги нишонланганда набиралари унинг жасади қулини
самолётда Ситон-Вилаж устидан сочишган.

Кафка — ноёб ҳовиса

Олмон тилида ижод қилувчи XX аср адибларининг энг йирик
вакили Франц Кафка (1883 — 1924) асарлари абсурд ҳамда «ки-
чик одам»нинг ташқи олам олдидаги фожийи охиригига ва қўрқу-
ви асосига қурилган. Китобхонда хавотир туйғуси уйғотишга қодир
бу хусусият жаҳон адабиётида ноёб ҳодиса сифатида эътироф
этилган. Унинг ижодига Фриш ва Дюрренматт, Сартр ва Камю,
Ионеско ва Беккет каби замондош адиблар таъсири кучли бўлган.

Мақтабда ўқитилганда адабий ўрашувлар ташкил этиш, те-
атр спектакллари кўйишда фаол бўлган Франц болалигида бе-
ғубор чехраси, қатъияти ва вазминлиги, одатдан ташқари юмор
хиссига бойлиги билан ажралиб турган. Гимназиядан сўнг, Прага
Карлов университетига ўқиб, ҳуқуқ бўйича докторлик дипломи-
ни олган. Кафканинг ҳаётигида бир неча кичик ҳикояларига
чоп этилган. У Милена Есенскаяга чех тилида ёзган мактублар-
дан ташқари барча асарларини немис тилида ижод қилган. Ўзи
«Мушоҳада», «Кишлоқ врач», «Ҳазо» сингари тўпламлар ва
«Америка» («Исиз йўқолган») романининг биринчи бобини эълон
қилган. Бироқ адиб ижодида катта аҳамият касб этган «Амери-
ка», «Жараён» ва «Калъа» романлари вафотидан сўнг чиққан.
Кафка дўсти ва адабий маслакдоши Макс Бродга асарлари-
нинг аксарият қисмини ёқиб юборишни топширган. Бироқ ёзу-
чининг севикили Дора Димандтан фаркли ўлароқ Макс Брод
бундай қилмаган. У марҳумнинг иродасига ҳилоф равишда ўзи-
даги нусхаларининг катта қисмини эълон қилган. Кафка яхши
кўрган таржимон ва журналист Милена Есенская ҳам ундан ол-
ган «Америка», «Калъа» романлари, қўнадиқларини 1927 йил-
да нашр этилишини таъминлаган. Бу асарлар тез орада адабий
жамоатчилик эътиборига тушган.

Кафка ва унинг оригинал ижодидан жуда ҳам оз ёзувчи ха-
бардор бўлса-да, у 1915 йили адабиёт соҳасидаги энг нуфуз-
ли мукофотлардан бири — Германиянинг Фонтан мукофоти
сазовор бўлган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД



Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилади.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Алоҳи — 4886 Буюртма Г — 758. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223.123.5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

